

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“Спорт” кафедраси

Спорт маҳоратини ошириш назарияси
Футбол фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Билим соҳаси: 100000- Таълим

Таълим соҳаси: 140000- Ўқитувчи тайёрлаш ва педагогика фани

Баклавр йўналишлари:

5112000 Жисмий тарбия

1-Маъруза 2 соат

Футбол ўйинининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Режа:

1. Кириш

2. Футбол ўйинининг пайдо бўлиш тарихи.

3. Ўзбекистонда футбол ўйинининг ривожланиш тарихи

Футбол энг қадимий ўйинлардан биридир. Инглизларнинг эътироф этишларича, оёқ билан тўп ўйнаш Британ оролларида IX асрдаёқ жуда машҳур бўлган.

1863 йил 26 октябрда Лондонда Англия футбол уюшмасининг ташкил этилиши пайтида бу ўйиннинг 13 моддадан иборат бўлган илк расмий қоидалари тасдиқланган. Кейинчалик бу қоидалар бошқа барча миллий уюшмалар учун футбол ўйинининг асоси бўлиб қолди.

Футбол ўйинининг илк қоидаларида белгиланишича, майдон узунлиги 200 ярд (183 метр)дан, кенглиги 100 ярд (91 метр)дан ошиқ бўлмаслиги керак. Дарвозалар икки устундан иборат бўлиб, улар орасида тўсин бўлмаган ва устунлар орасидаги масофа 8 ярд (7,32 м) бўлган. 1866 йилда баландликни чеклаш учун устунлар орасига арқон тортиб қўйилган. Яна 10 йил ўтиб, бу арқонни ёғоч тўсинга алмаштиришган.

Дарвозабоннинг қўл билан ўйнашга ҳаққи йўқ эди. 1871 йилда ўнг қўл билан ўйнашга рухсат берилган, у ҳам бўлса фақат дарвоза майдони ичида. Дарвозабоннинг жарима майдони ичида ҳам қўл билан ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритиши учун 30 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади (1902).

Узоқ вақт мобайнида на жарима тўпи, на 11 метрлик зарба бўлган. Қоидабузарлик учун эркин зарбалар билан чегараланиб қолинаверарди. Ниҳоят, 1891 йил энг қатъий жазолардан бири - 11 метрлик зарба киритилди, уни инглизча сўз билан «пенальти» деб атайдилар.

Футбол шаклланаётган даврларда жамоа сардорлари ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб турардилар. Футбол майдонида ҳакам 1880 йилда пайдо бўлди, 1 йилдан сўнг эса ҳакам иккита ёрдамчиси билан майдонга чиқа бошлади. Ҳуштак 1878 йилда киритилди, бунга қадар ҳакам тўхтатиш ёки ўйинни қайта бошлаш учун овоздан ёки қўл ҳаракатларидан фойдаланарди. Уша йилларда барча миллий футбол уюшмалари учун қоидалар бир хил ёки мажбурий бўлмаган. Ҳар бир уюшма ўз хоҳишига кўра бу қоидаларга турли ўзгартиришлар киритиши мумкин эди. Бу вазият халқаро учрашувлар ўтказиш ёки халқаро мусобақалар ташкил этишда қийинчиликлар туғдирарди.

1882 йили тўп мустақил футбол иттифоқлари, яъни Англия, Шотландия, Уэлс ва Ирландия иттифоқларининг бирлашуви бўлиб ўтди. Бунда ягона қоидалар қабул қилинди ва футбол қоидаларида у ёки бу ўзгаришларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро Кенгаш тасдиқланди.

1871 йилда Англияда мамлакат Кубогипинг йўналиши тасдиқланди. Бу кубок учун ҳозирда инглиз футбол клублари кураш олиб борадилар халқаро

миқёсдаги илк футбол учрашуви Англия ва Шотландия жамоалари ўртасида 1873 йилда бўлиб ўтди. Ўйинчилар сони 11 кишидан ортиқ бўлса, уларнинг жамоадаги жойлашиши ҳозиргидан бошқачароқ бўлган. Англия жамоасида 7 та ўйинчи ҳужумда, 1 таси ярим ҳимояда бўлган, шунингдек, 2 та ҳимоячи ва 1 та дарвозабон бўлган. Шотландия жамоаси таркибида эса 6 та ҳужумчи, 2 та ярим ҳимоячи бўлган эди.

XIX асрнинг 80-йилларида футбол ўйини Европа қитъасидаги мамлакатларга ёйила бошлади. 1875 йилда футбол Голландияга, кейинроқ эса Данияга кириб келди. 1882 йилда бошлаб Швейцарияда, 1890 йилдан Чехияда, 1897 йилдан эса Россияда футбол ўйнай бошладилар.

1882 йилда халқаро уюшмалар бошқармасига асос солинди, Нихоят, 1904 йил 21 майда Франция ташаббусига кўра ҳозирда 200 дан ортиқ давлатлар аъзо бўлган Халқаро Футбол Уюшмаси ФИФА ташкил этилди. ФИФА билан бир қаторда 1954 йилдан бошлаб Европа Футбол иттифоқи -УЕФА ҳам фаолият кўрсатади.

1930 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати, 1958 йилдан бошлаб эса миллий терма жамоалар қатнашадиган Европа чемпионатлари ўтказилиб келмоқда. 1900 йилда футбол олимпия спорт турига айланди, аммо расмий жиҳатдан у Олимпия ўйинлари дастурига 1908 йилда киритилган.

Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) 1954 йили тузилган бўлиб, ҳозирги вақтда 44 га яқин мамлакатларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Футбол федерацияси 1994 йилдан ФИФА ва ОФК га аъзо бўлган, ҳозирда ФИФА ва ОФК томонидан ўтказиладиган барча расмий мусобақаларда қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонда футболнинг ривожланиши:

Ўзбекистонда замонавий футбол ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлди ва тезда машҳур ўйинга айланди. Унинг ривожланиш жойлари Фарғона, Тошкент, Андижон, Қўқон ва Самарқанд эди.

Илк бор футболни Фарғона шаҳрида ўйнаганлар. Худди шу ерда 1911 йилнинг охирида биринчи футбол жамоаси ташкил топган.

Фарғонада тузилган футбол жамоалари сони 1912 йил августида «Футболчилар жамоаси»га бирлашишга йўл берди.

Бир оз вақт ўтгач, Тошкентда ҳам футбол ўйнай бошладилар. Тошкентлик футбол ишқибозлари орасида энг машҳур жамоа бу ТОЛС - Ташкентское общество любителей спорта (ТСИЖ - Тошкент спорт ишқибозлари жамияти) эди.

Бу жамият 1912 йилда тузилган бўлиб, жуда қисқа вақт ичида футбол ҳамда бошқа спорт турларининг ривожланиши учун кўп хизмат қилган. 1912 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда футбол айтарли даражада ёйила бошлади. Футбол ўйинига Қўқон, Андижон ва Самарқандда ҳам қизиқиш орта бошлади.

Бу йиллардаги энг қизиқарли босқич албатта Фарғона, Тошкент, Андижон, Самарқанд футболчиларининг учрашуви бўлди. Тошкентга ташриф буюрган илк футболчилар Самарқанд футболчилар тўғараги (СФТ) аъзолари эди.

1913 йил 29 августида улар ТОЛС футболчилари билан учрашув ўтказдилар. Яхши тайёргарлик кўрган Тошкент жамоаси 5:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

1913 йил июнида Андижонда «Андижон футболчилар клуби» тасдиқланди.

Ва, ниҳоят, 1914 йил 25 майда Тошкентда Ўзбекистоннинг энг кучли икки жамоасининг марказий учрашуви бўлиб ўтди. Бунда Тошкент ва Фарғона футболчилари тўп сурдилар. Тошкентликлар ўйинда 3:2 ҳисобида муваффақиятга эришдилар. Ўзбекистонда футбол ривожланишининг бошланғич даври ҳақида хулоса қилиб шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, футбол майдонлари ва ўқув машғулотларининг бўлмаганига қарамай, қисқа вақт ичида Фарғона, Тошкент, Қўқон, Андижон ва Самарқандда ўзбек футболининг ривожига улкан ҳисса қўшган истеъдодли футболчилар пайдо бўлди.

Шу ерда айтиб ўтиш лозимки, нафақат Фарғона, Тошкент ва Самарқандда, балки Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам футболнинг муваффақият билан тарқалишига қарамай, унинг ривожланиши ўзи бўларчилик билан ўтаётган эди. Жамоаларни ўргатиш тизими йўқ эди, машғулотлар ўта содда ва вақти-вақти билан ўтказиларди. Ҳеч бир шаҳарда футбол биринчиликлари ташкиллаштирилмаганди, шунинг учун ҳатто ундан ортиқ жамоалар мавжуд бўлган Тошкент шаҳрида ҳам биронта расмий мусобақа ўтказилмаган эди.

1920йилдан бошлаб футбол республикамизнинг чекка қишлоқ ва маҳаллаларига кириб бориб, машҳур ўйинга айланди. Ёшлар, талабалар, ишчи ва деҳқонлар футболга талпина бошладилар.

1921 йил Москва ва Тошкент футболчиларининг илк учрашуви ўтказилгани билан аҳамиятга лойиқдир. 1925 йилда мамлакат Жисмоний тарбия кенгаши томонидан оммавий жисмоний тадбирларнинг тақвими тузилди. Ўзбекистонда футболни ташкиллаштириш бир оз тартиблироқ тизимга эга бўлди.

Шундай қилиб, Тошкент биринчилиги 3 тоифа бўйича ўтказилди ва унда 28 жамоа иштирок этди. 1927 йилда ўзбек спортчиларини тайёрлашда муҳим босқич бўлган I Умум-ўзбек Спартакиадаси ўтказилди.

Спартакиада финалида доимий рақиб бўлиб қолган Тошкент ва Фарғона жамоалари учрашдилар. Иккала таркибда ҳам Ўзбекистон терма жамоа аъзолари чиқиш қилдилар.

Катта қийинчиликлар билан 2-таймда тошкентликлар ҳал қилувчи голни урдилар ва 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

1928 йил Москвада бўлиб ўтган халқаро спартакиадада қатнашиш Ўзбекистон футболчилари учун ниҳоятда жиддий имтиҳон бўлди.

Футбол бўйича спартакиада биринчилиги учун 22 жамоа кураш олиб борди, улар қаторида Англия, Германия, Австралия, Швейцария ва Финляндиянинг ишчи клублардан иборат терма жамоалари ҳам бор эди.

Швейцария ва Ўзбекистон жамоаларининг учрашуви (футбол ишқибозларида катта қизиқишга сазовор бўлди. Ўзбек футболчилари бу ўйинда жамоавий

ўйин, чиройли ва чаққон комбинациялар намоиш этдилар. Аммо асосий вақт 3:3 ҳисоби билан яқунлаигани сабабли, голибни аниқлаш учун қўшимча 30 дақиқа қўшиб берилди. Сўнгги 15 дақиқа ичида Ўзбекистон футболчилари швейцарияликлар қаршилигини енга олдилар ва рақиб 8:4 ҳисоб билан Ўзбекистон футболчилари ғалаба қозондилар.

Бир кундан сўнг эса қийин кечган ўйинда ўзбек футболчилари Россия жамоасига 1:2 ҳисобида ғалабани бой бердилар,

Кейинги йилларда ўртоқлик ўйинларини ўтказиш учун Ўзбекистонга Норвегия, Германия, Финляндия, Москва, Ленинград, Украина, Кавказ орти мамлакатларидан кўплаб кучли футбол жамоалари келди.

Мисол учун, 1931 йил 4 октябрда бўдиб ўтган матчда Норвегия терма жамоасига қарши Ўзбекистонга касаба уюшмалари терма жамоаси чиқди. Норвегияликлар техникали футбол намоиш этиб, 5:2 ҳисобида голиб чиқдилар. Ўч кундан сўнг скандинавиялик меҳмонларга қарши Тошкентнинг биринчи терма жамоаси майдонга тушди. Ўзбекистонликлар ўйинни юқори тезликда олиб бориб, 4:2 ҳисобида муваффақиятга эришдилар.

Норвегиялик ва Ўзбекистонлик футболчиларнинг учинчи учрашуви 2:2 ҳисобидаги дуранг билан яқунланди.

1932 милда Ўзбекистонга немис футболчилари ташриф буюрдилар. Бу жамоа ишчи спорт клубларининг энг яхши футболчиларидан тузилган бўлиб, улардан кўпчилиги Германия чемпиопати иштирокчилари эди. Ўзбек футболчилари бу бўлажак ўйинга қаттиқ тайёргарлик кўрдилар ва биринчи матчда 4:2 ҳисобидаги оғир ғалабани қўлга киритдилар.

Биринчи учрашувдан сўнг немис жамоаси сардори Лор шундай деган эди: «Тошкентликлар жипслашган жамоа бўла олишдек ажойиб хусусиятга эга ва улар биз ҳеч нарса билан таққослай олмайдиган юқори тезликда ўйнадилар. Юқори даражали жамоа бўлмиш учун Ўзбекистон футболчиларида барча имкониятлар мавжуддир».

Такрорий учрашувда немис футболчилари бир оз устунроқ келиб, юқори даражадаги тактик тайёргарликни намоиш этдилар ва 3:1 ҳисоби билан голиб бўлдилар.

Норвегиялик, немис, фмн футболчилари билан ўтказилган ўйинлар Ўзбекистондаги илк халқаро ўйинлар эди. Улар техник ва тактик тайёргарлик борасида тажриба алмашишга, ўйиннинг янги-янги системалари билан танишишга ёрдам берди.

1934 йил Ўзбекистон пойтахтида илк Ўрта Осиё спартакиадасининг очилиши шарафига бағишлаб 36 минг нафар жисмоний тарбия ихлосмандлари намоиши бўлиб ўтди. Бу намоиш Ўрта Осиё республикаларида жисмоний тарбия ҳаракати ўсишининг ёрқин намунаси эди.

Футбол бўйича мусобақадар бир пайтнинг ўзида уч стадионда бўлиб ўтди, улардан энг йириги спартакиада очилиши арафасида қурилган 10 минг ўринли «Спартак» стадиони эди. Бу Ўрта Осиё республикалари орасида футбол биринчилиги учун одиб борилаётган илк ўйинлар эди. Ўзбекистон футболчилари ўз рақиблари бўлмиш Туркменистонни 3:1, Тожикистонни 5:0,

Қирғизистонни 10:1 ҳисоби билан доғда қоддириб, муваффақиятли чиқиш қилдилар.

1934 йил футбол жамоаларининг келгусидаги ўсишлари учун муҳим йил бўлди. Биргина Тошкентда касаба уюшмалари биринчилишда 50 та жамоа қатнашди.

30-чи йилларнинг бошида болалар ва ўсмирлар футболга янада кўпроқ эътибор берилди бошлади. 1935 йил Тошкентда ўсмирлар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг илк танлови бўлиб ўтди. Бу танловда Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон терма жамоалари иштирок этди. Пойтахтлик ёш футболчилар ғалаба қозондилар.

1936 йил Республика шаҳарларидаги футбол мавсумининг баҳорги билан очилиши аҳамиятга лойиқ. Тошкентдаги мусобақа намойишида 324 футболчи иштирок этди. Оммавий футбол кейинги ривожланиш босқичига ўтди. Умумтаълим мактаблари, техникумлар, олий ўқув юртлари ўз биринчилик ўйинларини ўтказар, мунтазам равишда корхоналарнинг ички мусобақалари ташкил этилар эди.

Шаҳар футбол бўлими (секция) қарорига биноан Тошкентда футболга ихтисослашган биринчи болалар ва ўсмирлар мактаби очилди.

Бу ерда кўпгина қобилиятли ёш футболчилар ўз маҳоратларини мукаммаллаштирар эдилар. 1936 йили Ўзбекистон биринчилигида 16 шаҳардан терма жамоалар иштирок этди. Бу ўйинлар катта қизиқиш уйғотиб, кўплаб томошабинларни жалб қилди. Шиддатли ўйинлардан сўнг 1-ва 2- ўринлар Қўқон ҳамда Тошкент терма жамоаларига насиб этди.

1937 йилдан бошлаб футбол мусобақалари асосида шаҳар терма жамоаларининг матч ўйинлари эмас, балки Ўзбекистон Кубоги ва биринчилиги учун клуб жамоалар мусобақалари ўтказила бошлади. Ўша йиллардан буён кўпгина гуруҳлар, биринчиликлар ва мусобақа қатнашчилари алмашди, мусобақа ўтказиш тамойиллари, баҳолаш тизими ўзгарди, аммо спортчилар маҳоратининг янги тактик йўналишларини аниқлайдиган чемпионлик унвони учун курашўзгармай қолаверди.

1937 йил футбол мавсумининг аҳамиятли ҳодисаси собиқ Иттифоқ чемпионати эди: 56 жамоа ўртасидаги гуруҳларда ўйналди. Ўзбекистон шаънини Тошкентнинг динамочилари ҳимоя қилдилар. Улар футбол бўйича мамлакат чемпионатида иштирок этган биринчи Ўзбекистонлик жамоа эдилар.

Ўз ўйинлари билан Тошкентликлар синалган чарм тўп усталарига муносиб рақиб бўла олишларини исботладилар. Улар Европанинг «Спартак» жамоасини 5:0, Бакунинг «Нефтчи»сини 3:2, Днепропетровскнинг «Сталь» жамоасини 2:1, Горькийнинг «Торпедо» жамоасини 1:0 ҳисоби билан ютиб, ўз майдонларида чиройли ўйинлар ўтказдилар. Москвада «Крилья Советов» жамоаси билан 2:2, Ленинградда «Авангард» билан 1:1 ҳисобида якунланган дурустгина ўйин кўрсатдилар.

Аммо тажриба етишмаслиги сабаб юқори ўринларни эгаллай олмадилар, натижада борйўғи 8-ўринга эришдилар (4 та ғалаба, 3 та дуранг, 4 та мағлубият).

Собиқ Иттифокнинг етакчи спорт жамияти бўлган «Спартак» КСЖ Марказий Кенгаши биринчилигида муваффақиятли чиқиш қилди. Саратовдаги дастлабки ўйинларда улар ўз клубдошларини 11:1 ҳисобида том маънода тор-мор этдилар, сўнг эса Қозоннинг «Спартак» жамоаси устидан ғалаба қозондилар. Бу ғалабалар Тошкентликларга Ивановода ўтказиладиган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берди. Унда Харьков, Краснодар, Тошкент ва Иваново спортчидари қатнашдилар. Тошкентликлар яхши ўйин кўрсатиб, учинчи совринли ўринни эгалладилар (улар харьковликларни 3:1 га ютиб, Краснодар билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнадилар ва мезбонларга 0:4 ҳисобида ўйинни бой бердилар).

Шу йилнинг ўзида Тошкентда ўтказилган «Беш йўл» гурнирида «Локомотив» жамоаси муваффақиятли чиқиш қилди. Бу турнирда Куйбишев, Оренбург, Туркистон -Сибир, Ашхобод ва Тошкент темир йўллари жамоалари ҳам иштирок этди. Барча рақибларни енгиб, Тошкентликлар 1-ўринни эгалладилар.

1939 собиқ Иттифок Кубоги учун курашда Тошкент динамочиларининг чиқиши катта муваффақиятга сазовор бўлди. 28 августда Москвадаги «Динамо» стадионида ўзбек футболчилари чорак финалда Боқунинг «Темп» жамоасига қарши тўп сурдилар. Ўйин жуда уткир ва шиддатли курашда утди. Тошкент динамочилари 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, Кубок ярим финалига йўл олдилар. Бунда улар Россиянинг энг кучли жамоаларидан бўлган «Сталинец» (Зенит) билан учрашдилар ва 3:0 ҳисоби билан ютқаздилар. Финалда эса Москванинг «Спартак» жамоаси ленинградликлардан 3:2 ҳисобида устун келди.

1941 йилнинг футбол мавсумига Тошкент динамочилари жиддий тайёргарлик кўргандилар. Чемпионат ўйинлари тақвимига кўра улар Олма-Оталик клубларни қабул қилишлари керак эди. Аммо бутун дунё учун фожеавий бўлган 1941 йилнинг 22 июнида Улуғ Ватан уруши бошланди, шунингдек, Ўзбекистон спорт ҳаёти ҳам вақтинча тўхтатилди.

1942 йилда Ўзбекистон Кубоги учун курашда Тош кентдан иккита, Фарғона ва Самарқанддаи биттадан жамоа иштирок этди.

1943 йили Олма-Отада уруш даврининг қишш шароит-ларида Урта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон Спарта-киадаси ўтказилди. Республикамиз футболчилари техник футбол ўйинини намоиш этиб, Туркманистон жамоасини 9:0, Тожикистонни 3:0, Қирғизистонни 5:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар. Ҳатто ўзларининг қозоқлар билан бўлган ўйиндаги мағлубиятига қарамай, 1-ўринни эгаллай олдилар.

1950 йилнинг бошида Ўзбекистонда «Пахтакор» спорт жамияти ташкил этилди. Ҳозиргача мустақил Ўзбекистон чемпионатида ва расмий халқаро мусобақаларда муваффақиятли ўйинлар кўрсатиб келаётган,

Республикамизнинг энг кучли жамоаси бўлган «Пахтакор»нинг тузилиши ҳам шу жамият билан боғлиқ.

1960 йилдан 1991 йилгача (танаффуслар билан) «Пахтакор» собиқ Иттифокнинг олий лигасида иштирок этиб келди. Бу ислохотлар ва туб ўзгаришлар даври бўлмай эди. Кичик гуруҳ (подгруппа)лардаги саралаш ўйинларидан кейингина чемпионатга йўл олинарди. Олий лигага чиқиш учун тайёрланадиган жамоа Тошкентнинг икки жамоаси асосида тузилган бўлиб, булар «Пахтакор» ва «Меҳнат заҳиралари» («Трудовые резервы») клублари эди. «Пахтакор»нинг барча кўзга кўринарли муваффақиятлари унинг кучлилар гуруҳидаги чиқишлари билан боғлиқ. Йигирма йил танаффус билан икки бора 1962 ва 1982 йилларда Пахтакор олий лигада фахрли 6-чи ўринга сазовор бўлган. 1968 йилда финалга чиқиб, унда Москванинг «Торпедо» жамоасига 0:1 ҳисобида ғалабани бой бериши «Пахтакор»нинг Иттифок Кубоги ўйинларидаги энг йирик муваффақияти эди.

1965 йил чемпионати натижаларига кўра Москва жамоалари билан ўтказилган учрашувлардаги энг яхши кўрсаткичлари учун пахтакорчилар «Москва окшоми» газетасининг махсус соврини билан тақдирландилар (Тошкентликлар «Динамо»ни 2:0, «ЦСКА» ни 2:0, Спартакни 1:0 ва «Локомотив»ни 2:0 ҳисобида мағлуб этгандилар). Собиқ Иттифок чемпионатларида қатнашиш йиллари мобайнида «Пахтакор» уч жамоавий совринни қўлга киритди: «Ғалабага ишонч» (1971), «Гроза авторигетов» ҳамда «Адолатли ўйин» учун соврин (1983).

Икки маротаба «Пахтакор» футболчилари олий лига мсмпонатининг энг яхши хужумчилари деб тан олинган. Б.Абдураимов Тбилиси «Динамо»си ўйинчиси билан бирга (22 тадан гол) ва 1982 йилда А.Якубик (23 та гол).

Собиқ Иттифокнинг илк терма жамоаси учун 5 та пахтакорчи ўйнади эди: В.Федоров, Ю.Пшеничников, Г.Красницкий, М.Ан, А.Пятницкий. Турли йилларда энг яхши 33 футболчи қаторида Ю.Пшеничников (1966, 1967), М.Ан (1974, 1978), Б.Абдураимов, В.Хадзипанагис (1974), А.Якубик (1982) ва А.Пятницкий (1991) номлари бор эди.

Ўша йилларда Ўзбекистон футбол ишқибозларида катта қизиқиш уйғотган ўйинлар сирасига 1964 йил пахтакорчиларнинг «Пирасмкаба» (Бразилия) ҳамда (1:0), Уругвайнинг 25 карра чемпиони «Насьонал» (Монтевидео) жамоалари билан учрашувлар кирази. Уругвайликларнинг ҳарчанд уринишлари ва қаршиликларида қарамасдан «Пахтакор» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

17 нафар истеъдодли футболчининг ҳаётини олиб кетган 1979 йилги мавхум авиа ҳалокатдан сўнг 1980 йилда Пахтакор янги таркибда собиқ Иттифок чемпионатининг олий лигасига йўл олди. У ерда Тбилиси динамочиларини 3:0, Донецкнинг «Шахтёр»ини 2:1 ҳисобида мағлуб этди, Киевнинг «Динамо»си билан дуранг ўйнади ва «Гроза авторитетов» совринини қўлга киритди.

60-90 йилларнинг пахтакорчилари Ўзбекистон футболининг ривожланишида ёрқин из қолдирганлар.

Бу давр мобайнида «Пахтакор»ни собиқ Иттифок чемпионатидаги чиқишларга тайёрлашда М.Якушин, Б.Аркадьев, Г.Качалин, В.Соловьев,

Б. Абдураимов, Х.Рахматуллаев каби мураббийларнинг хиссаси бекиёсдир. Республика терма жамоалари ва юқори малакали жамоалар учун заҳира тайёрлашда Г.Сорвин, Х.Мухитдинов, А.Мошеев каби устоз мураббийларнинг меҳнати улкан бўлган.

Худди шу йилларда бир қатор малакали ҳакамлар етишиб чиққанми айтиб ўтиш жомзки, улар қаторида В.Долженков, Б.Баклунов, Ф.Султонов ва бошқалар бор.

Мураббий кадрлар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг ўзбек футболга қўшган хиссаси ўта муҳимдир. институт 1955 йилда очилган бўлиб, у пайтда футбол мутахассислиги спорт ўйинлари кафедраси таркибига кирар эди, бироқ 1966 йилда у мустақил кафедра сифатида ажралиб чиқди. Ўз фаолияти мобайнида бу кафедра футбол бўйича мураббий кадрлар тайёрлаш ўчоғига айланди. Натижада кўпгина битирувчилар мураббийлик ишида маълум муваффақиятларга эришиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвонига сазовор бўлдилар. Булар Б.Абдураимов, В.Тихонов ва бошқалардир. Айни пайтда футбол кафедрасининг кўпчилик битирувчилари Ўзбекистоннинг турли вилоятлари ва чет элларда ишлаб келмоқда.

1992 йил мустақил Ўзбекистон Республикасининг ядк чемпионати йили эди. Мамлакатимиз футбол тарихида янги саҳифа очилди, Бу чемпионатнинг одий лигасида 17 та, биринчи лигасида 18 та, иккинчи лигасида эса 42 та жамоа иштирок этди. Ўзбекистон чемпиони унвони учуи кечган шиддатли курашда «Пахтакор»га асосан Фарғона водийсининг «Нефтчи», шунингдек, «Сўғдиёна» (Жиззах) ва «Нурафшон» (Бухоро) жамоалари кучли қаршилиқ кўрсатдилар,

1994 йил 7 июнда Ўзбекистон Футбол федерацияси «ФИФА»га, шу йилнинг декабр ойида эса Осиё Футбол конфедерациясига аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг мамлакатимизда футболни ривожлантиришдаги аҳамияти жуда каттадир.

1994 йилда илк бор ёш мустақил республика элчилари Японияда ўтказилаётган XII Осиё ўйинларида - Осиё минтақасидаги йирик спорт форумида таништирилдилар.

Олтин медаль совриндорлари номи учун курашда ўзбек футболчилари Саудия Арабистони (4:1), Малайзия (5:0), Гонконг (1:0) ва Таиланд (5:4) терма жамоалари устидан ғалаба қозондилар. Чорак финалда Туркманистон терма жамоасини 3:0 ҳисобида, ярим финалдаги шиддатли ва ўта мураккаб ўйинда Жанубий Кореянинг кучли жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Ва, ниҳоят, финалда Хитой терма жамоасини 4:2 ҳисоби билан енгдилар. Бу жамоа мураббийлари доцент Р.Акрамов ва спорт устаси Б.Абдураимовлар эди. Асосий таркибнинг 7 нафар ўйинчиси ЎзДЖТИ талабалари бўлганини айтиб ўтиш жоиздир.

Шу йилнинг ўзида Осиё чемпионлари Кубогида илк бор қатнашган Фарғонанинг «Нефтчи» клуби футболчилари учинчи совринли ўринни эгалладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантириш тамойиллари ва ташкиллаштириш асосларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони Ўзбекистонда футболнинг кейинги ривожини учун катта аҳамият касб этди. Бу фармонда келгуси футболни клублар асосида ривожлантириш ва 1996-1997 йилларда вилоят марказларида футбол бўйича ўсмирлар мактаб-интернатлари очилиши кўрсатилган эди.

1992 йилдан 2005 йилгача бўлган вақт ичида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» клублари чемпионат етакчилари бўлиб келди. Пахтакорчилар беш маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлганлар (1992, 1998, 2002, 2003, 2004) ва 6 маротаба мамлакат Кубоги совриндорлари қаторидан жой олганлар (1993, 1997, 2001, 2002, 2003, 2004). «Нефтчи» ҳам беш карра республика чемпиони (1992-1995, 2001) ва 2 карра Ўзбекистон Кубоги соҳибм (1994, 1996) бўлган.

Ўзбекистон чемпиони унвонига яна «Навбаҳор» (1996), МХСК (1997) ва «Дўстлик» клублари эришганлар. Шунингдек, 1997, 1995, 1998 йилларда «Навбаҳор» ва 2000 йилда «Дўстлик» жамоаси Ўзбекистон Кубогини қўлга киритганлар. 2002 йилги Осиё Чемпионлари Кубоги учун курашда Қаршининг «Насаф» жамоаси иштирок этади. Саралаш босқичларида 5 ғалабани қўлга киритиб, ярим финалга чиқдилар. Аммо бронза медали учун кечган бу ўйинда қаршиликлар «Истиклод» (Эрон) жамоасига 2:5 ҳисобида ғалабани бом бериб, 4-ўринни эгаллайдилар,

2003 йилда Тошкентда бўлиб ўтган чемпионлар лигаси чорак финалида пахтакорчилар катта устунлик билан Туркменистоннинг «Нисса» жамоасини 3:0, Эроннинг «Пируза»сини 1:0 ва Ироқнинг «Ал-Талиба» каби жамоаларини 3:0 ҳисобида енгдилар. Ярим финалда икки матч натижаларига биноан Таиланднинг «Бек-Теро Сосана» жамоаси устун келди.

2002-2003 йилларда Ўзбекистоннинг ёшлар терма жамоаси футболчилари катта ютуқларга эришдилар. Қатарда Таиланд терма жамоасини 4:0, Катарни 5:4 ҳисобида енгиб, сўнг Жанубий Кореяга 0:2 ҳисобида ғалабани бой бериб, футболчиларимиз чорак финалга йўл олди ва унда Сурия Арабистонини 4:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Ярим финалда ўзбек футболчилари Япония терма жамоаси билан учрашдилар. Шиддатли ва қизғин ўтган ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисоб билан якунланди. 11 метрли зарбалар йўллашда японлар бир оз устунроқ чиқиб, 4:2 ҳисобида голиб бўлдилар.

Тўртинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дунёнинг энг кучли 16 жамоаси қаторида майдонга чиқиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон чемпионати 2003 йилнинг декабр ойида БААда бўлиб ўтди. Ўзбекистон футболчилари чиройли ва баҳам жихат ўйин кўрсатдилар, лекин 1/8 финалга чиқа олмадилар. Бироқ, мутахассислар ва ишқибозлар Ўзбекистон терма жамоаси ўйинини юқори баҳоладилар. Уч ўйин давомида улар ўз тенгдошлари билан кураш олиб бордилар, лекин Мали жамоасига (Африка чемпиони) 2:3, Аргентина термасига (айни пайтда жаҳон чемпиони) 1:2, Испания терма жамоасига (Европа чемпиони) 0:1 ҳисоби билан ғалабани бой бердилар.

II боб. ФУТБОЛНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Футбол - ҳақиқий атлетик ўйиндир. У тезлик, чаққонлик, чидамлилик, куч ва сакровчанлик каби хусусиятларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ўйин давомида футболчи ўта юқори юкламдги ишни бажаради ва бу нарса, ўз навбатида, инсоннинг функционал имкониятлари даражасини оширади ақлий-иродавий сифатларни тарбиялайди.

Ўзбекистонда футбол жисмоний тарбия воситаси сифатида тарқалган. Футбол билан мактаб, коллеж, институт, ишлаб чиқриш ташкилотлари ва армияда шуғулланишади.

Ўйин жамоавий курашнинг мураккаб вазиятида ўтади. Бунда ҳар бир жамоа энг яхши натижага эришиш учун барча билм ва имкониятлармни ишга солади. Ўйин негизида ўйинчилари ягона ғалаба мақсадида бирлашган икки жамоанинг кураши ётади. Футбол ўйини давомида ҳар бир ўйинчи ўзининг шахсий фазилат (сифат)ларини кўрсатиш имкониятига эга, лекин шу билан бир қаторда ўйин ҳар бир футболчининг шахсий интилишларининг умумий мақсадга бўйсунилишини талаб этади.

Футболчи техник усулдарни мукаммал даражада билиши, мураккаб ўйин вазиятлари техник усулларни қўллай олиши ва жамоанинг барча аъзолари билан келишган ҳолда ҳаракат қилиши лозим.

Футбол бошқарувининг ташкилий тузилиши

Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) жамоатчилик ташкилоти сифатида мамлакатда футболнинг ривожланиши учун тўлиқ жавобгардир. Мамлакатда болалар ва ўсмирлар футболни оммавийлаштириш, футболчи, мураббий ва ҳакамларнинг профессионал даражаси ва маҳоратини ошириш, мусобақалар тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш, моддий-техник базанинг ривожланишига кўмаклашиш Ўзбекистон футбол федерациясининг асосий вазифаларидандир.

Ўзбекистон футбол федерацияси Ўзбекистон Республикасида футбол ривожига оид жормй ва истиқболли (перспектив) режалар ишлаб чиқади, Ўзбекистон терма жамоаларининг тайёргарлигини ташкиллаштиради.

Ўзбекистон футбол федерацияси 14 та ҳудудий ва вилоят футбол федерацияларини, 200 дан ортиқ уста жамоалари, футбол клублари, спорт мактаблари, иқтидорлилар ва терма жамоа тайёрлаш марказларини бмрлаштиради, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги ва вилоятлар маданият ва сгюрт ишлари бошқармалари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон футбол федерацияси низомига асосланган ҳолда ҳудудий футбол федерациялари ўз иш шароитларига мувофиқ низом ишлаб чиқади ва шу низом бўйича ўз фаолиятини олиб боради.

Ўзбекистон футбол федерациясининг энг юқори органи анжуман бўлиб, унда 4 йил муддатга президент сайланади. Ижроия қўмитаси иш органи ҳисобланади. Футболни ривожлантириш масалалри бўйича, қабул қилинган қарорларининг тадбиқ этилишини назорат қилиш учун ижроия қўмигага кўшимча болалар ва ўсмирлар, ўқув-услугий, ҳакамлар ва бошқа қўмиталар тузилади.

Ўзбекистон футбол федерацияси 1994 йил 21 майда тузилган ва айни пайтда 200 дан ортиқ миллим федерацияларни бирлаштириб турган халқаро футбол федерациялари уюшмаси (ФИФА) билан яқиндан ҳамкорлик олиб боради. Худудмй жойлашув жиҳатдан Ўзбекистон футбол федерацияси Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) таркмбига киради.

ФИФАнинг ташкилий негизини 6 қитъанинг ташкилотидан иборат. Балар: УЕФА - Европа итмфоқи футбол уюшмаси, КОНКАКАФ - шимолий ва марказий Америка мамлакатлари ҳамда Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатларининг футбол конфедерацияси, КОНМЕБОЛ -жанубий Америка мамлакатлари футбол конфедерацияси, КАФ - Африка футбол конфедерацияси, АФК - Осиё футбол конфедерацияси, КФО - Океания футбол конфедерациясидир.

ФИФАнинг олий органи конгрессдир.

ФИФАнинг жорий фаолиятини ижроия кўмита билан бир қаторда яна бир неча маҳсус кўмиталар бошқариб боради. Улар қуйидагилардир: фавкулодда ҳолатлар, молиявий, жаҳон кубогини утказиш бўйича, Олимпия турнирлари, ўсмирлар чемпионатлари, ҳакамлик, техник, интизом, тиббий ва ҳ.к. кўмиталардир.

ФИФАнинг асосий вазифаси ҳудудларда футбол ривожланишини назорат қилиш ва моддий ва услубий ёрдам кўрсатиш, низом ва қарорлар, ўйин қоидаларининг бузилишини олдини олиш бўйича керакли чоралар кўриш, ирқий, сиёсий ва диний сабабларга асосан камситилишга йўл қўймасликдир.

Замонавий футбол тавсифи

Мутахассисларимиз тадқиқотлари бизга ўйинчиларнинг тўп билан ва тўпсиз ҳаракатларининг ҳажми ва хусусияти ҳақида маълумот олишга имкон берди.

Аниқландики:

- ўйиннинг соф вақти 60-65 дақиқани ташкил этади.
- 90 дақиқа ўйин давомида бир ўйинчи 12-15 км маосфани чошиб ўтади. Бундан 1000-2000 м масофани майдонда тезкорлик билан ҳаракатланади.
- тўп ўрта қатор ўйинчилари энг кўп (170 сония), марказий ҳимоячилар энг кам (130 сония) олиб юрадилар.
- яхши ўйнайдиган жамоалар матч давомида ўртача 900 тагача техник усулларни бажарадилар, шулардан тахминан 60% и ҳужум ҳаракатларига йўналтирилган бўлади.
- ҳозирги замон футболда ҳимоячилар ўз зоналарида 850 сониягача ва майдоннинг ўрта қисмида 350 сония гача микдорда ўзларининг асосий вазифаларини бажарадилар.
- дарвозага урилган зарбаларнинг кўпчилиги ён томондан ошириб берилади (ҳамма зарбаларнинг 65% и).

Замонавий футбол ўзининг юқори даражадаги фаол ҳаракатчилиги ҳамда техник-тактик ҳаракатларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Замонавий футбол ўйин тактикаси қуйидагилар билан ифодаланади:

- майдоннинг ҳар бир қисмида ҳужумнинг тез ташкил қилиш билан. Ҳимоячилар, ўрта қатор ўйинчилари, керак бўлган тақдирда ҳужум қатори ўйинчилари билан ҳимоя чизиғини мустаҳкамлаш;

- матч яхши якунлашида иқтидорли ўйинчиларнинг ролини ошириш;
- юқори темпдаги ўйинни паузалар билан бирга олиб бориш;
- ўйиннинг ҳар бир ҳолатида (ўйиннинг бошида, унинг давомида ва ҳужумни якунлашда) марказий ҳимоячиларнинг ролини ошириш;

- канотдан ҳужум уюштиришда канот ярим ҳимоячилари ва ҳимоячиларнинг ролини ошириш;

- стандарт ҳолатлардан (жарима тўплари, бурчакдан тўпни ўйинга киритиш ва бошқа стандарт ҳолатлар) унумли фойдаланиш.

Замонавий футбол ўйин техникаси қуйидагилар билан ифодаланади:

- ҳаракат ҳолатида, югуриб кетаётиб тўпни ўзига бўйсундира олиш;
- ҳар хил вазиятларда тўпни имкон қадар аниқ узатиб бериш.

Жисмоний тайёргарликда:

- майдоннинг ҳар бир қарич ерида юқори даражадаги техника билан ҳаракатланиш ва тўпга эгалик қилиш, алдамчи ҳаракатларни қўллай билиш;

- ўйинчиларнинг ўйин давомида умумий югуриш ҳаракатлари қуйидагича тақсимланади: 45 мартадан 78 гача (умумий масофа 1000-2000 метрга етади), тўп учун курашда сакраш ҳаракатлари, курашлар - 11 тадан 42 гача, ҳар хил масофага тезлик билан югуриш - 40 тадан 60 тагача (умумий вақти 2-5 дақиқагача), секин югуриш 224 тадан 367 гача (умумий вақти 25-35 дақиқа);

- тезлик-куч сифатлари ва тезликка чидамлилиқнинг юқори даражаси;

- рақиб билан курашда муҳим бўлган шиддат ва қатъийликнинг юқори даражаси;

- жамоа ўйин потенциалини мунтазам ошиб боришининг таъминланиши;

Кейинги пайтда сезиларли даражада футболчиларнинг ўйинлардаги ҳаракатланиш тезлиги ошди, ўйин фаолиятининг жадаллиги (самарадорлик) ошди ва булар спортчилар организмига бўлган юқламани анча оширди.

Ҳар бир ўйин давомида турли қувватдаги иш юзага келиши мумкин. Шу сабабли машқлар футболчиларда аэроб ва анаэроб сифатларнинг унумдорлигини юқори даражага кўтаришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўйин давомида футболчилар каттагина энергияни (яъни бир дақиқада юрак қисқариш частотаси 180-190 йўлиши, тана оғирлигини 2-3 кг камайиши ва қувватини 1500 к к ил га) сарф қилишида, футболчиларнинг организмидаги юқори даражада тайёргарликка эга бўлишини таъкидлаш ўринлидир.

Футболчиларни соғлигини мустаҳкамлашда уларнинг гигиеник талабларга риоя қилишлари ва кўпроқ тоза ҳавода машқ қилишлари катта аҳамиятга эгадир. Футболчиларнинг бундай амалларга риоя қилишлари организмда

моддалар алмашинуви яхшиланиши, таянч ҳаракат аппаратини, мускул, асаб тизимларининг мустаҳкам ва соғлом бўлишини таъминлайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва вазифалар

1. Футбол фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Футбол уйини қачон ва қаерда пайдо бўлган?
3. Ўзбекистонда футболнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши?

АДАБИЁТЛАР

1. Футбол фанидан дарслик Р.Акрамов.2007 йил
2. “Футбол ”П.Н.Казаков.М.1981 й
3. “ Футбол ўйин қоидалари” А.Чанади. М. 1983.
4. “Футбол” И.Симонов. М.ФИС.1986
5. “Мусобақа қоидалари” Г.Латишев М.1976
6. Г.Гриндлер.Х.Полоте.Х.Хеммо “Футболчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги” Т. 1990

ФУТБОЛ ЎЙИНИНИНГ РАСМИЙ КОИДАЛАРИ

Режа:

- 1. Футбол майдонининг ўлчамлари.**
- 2. Хакамлар вазифаси**
- 3. Ўйин коидасининг бузилиши ва жозаланиши.**

Майдон узунлиги ҳар доим унинг энидан катта бўлиши лозим.

2.МАЙДОН ЧИЗИҚЛАРИ (БЕЛГИЛАРИ). Майдон эни 12 см. дан катта бўлмаган аниқ кўринувчи чизиклар билан чизилган бўлиши шарт ва улар ариқча қазлб чизилмасдан майдон юзига чизиллиши керак.

Майдонни узунасига чизилган чегараловчи чизиклар ГН ЧИЗИКЛАР, майдон энини чегараловчи чизиклар эса ДАРВОЗА ЧИЗИҚЛАРИ дейилади.

Майдон ўртасидан унинг энига тортилган чизик УРТА ЧИЗИҚ бўлиб, унда МАЙДОН МАРКАЗИ белгиланади. Майдон маркази белгисидан радиуси 9 метрли айлана чизилади. Чизиклар ўлчами (калинлиги) майдоннинг ўлчовига киради.

Майдоннинг бурчакларига юқори қисми ўткир бўлмаган ва баландлиги 1,5 метрдан кам бўлмаган байроқлар ўрнатилади. Майдон ўрта чизигининг иккала томонидан ҳам ён чизикдан 1 метр узоқликда ҳам байроқлар ўрнатилиши мумкин.

3.ДАРВОЗА МАЙДОНИ. Дарвоза устунлари ичидан 5,5 метр масофадаги нуқтадан дарвоза чизигига перпендикуляр қилиб иккита 5,5 м.ли чизик чизилади ва уларнинг учлари ўзаро туташтирилади. Ҳосил бўлган чизиклар билан чегараланган майдонга ДАРВОЗА МАЙДОНИ дейилади.

4.ЖАРИМА МАЙДОНИ. Дарвоза чизигида дарвоза устунларининг ичидан 16,5 м. масофадаги нуқтадан унга перпендикуляр бўлган иккита 16,5 м. чизик чизилади. Чизикларнинг учлари даргула чизигига параллел қилиб ўтказилган чизик билан ўзаро туташтирилади. Чизилган чизиклар билан чегараланган майдонга ЖАРИМА МАЙДОНИ, дейилади. Хар бир жарима майдонида дарвоза ўртасининг қаршисидаги 11 м. масофада белги қўйилади. 11 метрли жарима тўпи шу белгига қўниб тегилади. Бу белгидан ўлчаниб жарима майдони ташқарисига радиуси 9 м. ли ёй чизилади.

5.БУРЧАК СЕКТОРИ. Майдоннинг ҳар бир бурчаги ичидан радиуси 1 м. бўлган ёй чизилади. Мазкур ёй ҳосил қилган майдончага БУРЧАК СЕКТОРИ дейилади.

6. ДАРВОЗА. Дарвоза чизигида бурчакдаги байроқлардан тенг узоқликдаги масофада дарвоза ўрнатилади. У бир-биридан 7,32 м. масофада ўрнатилган иккита вертикал устун ва уларни бирлаштирувчи горизонтал жойлашган

тўсиндан иборат. Ердан тўсингача бўлган масофа 2,44 м. бўлиши керак. Тўсин ва устунларнинг диаметри 12 см. дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Тўсин ва устунлар диаметри ўлчами бир хил бўлиш лозим,

Тўсин ва устуиларга, яъни дарвозанинг орқа томонидан ургача гўр тортилади, у яхши мустаҳкамланган бўлиб дарвозабонга халақит бермаслиги керак.

ИЗОҲ: Дарвозага капроп, нейлои, каноп ёки шунга ўхшаш материалдан тайёрланган тўр тугилади. Капрон ва нейлондан тайёрлашга тўрни жуда ингичка иплардан тайёрламаслик маслаҳат берилади.

К У Р С А Т М А

1. Халқаро ва мамлакат чемпионати мусобақаларини ўтказиш учун ўлчамлари куйидагича бўлган майдонларга рухсат этилади: Кўли билап — 110 x 75 метр, камида — 100 x 64 метр.

2. Бутун иттифоқ мусобақаларида иштирок этувчи команда клублари ва спорт ташкилотлари ўйинларни 1-қоидада кўрсатилган ўлчамли майдонларга ўтказадилар. Ўйинлар ўтказиладиган майдон, ўлчамлари ва майдон қаерда жойлашганлиги хақида СССР Футбол Федерациясига хабар қилилади.

3. Халқаро қоидадагил 10 ядр метрлар системасида 9,15 м. га тенг ва 9 м, деб қабул қилинган.

4. Дарвоза чизиги, тўсик ва устунлар қалинлиги бир хил қалинликда бўлиши керак. Чизилган дарвоза чизиги эса устунлар ичида ва ташқарисида бир хил бўлиши керак.

5. Дарвоза майдони ва жарима майдони учун ўлчанган 5,5 м. ва 16,5 м. масофалар дарвоза чизиги бўйлаб ўлчанадиганда устунлар ичидан ўлчанади.

6. Хар бир майдонни белгиловчи (чегараловчи) чизик кенлиги шу майдон ўлчамига киради.

Футбол федерацияси, клублар, спорт ташкилотлари ўйинларни стандарт жиҳозлар билан таъминлаш шарт. Уларга нисбатан айниқса тўп, дарвоза ва бошқа жиҳозларнинг ўлчамига нисбатан қоида талабларига риоя этишлар лозим. Стандарт жиҳозлар билан таъминламаслик ва белгиланган талабларга жавоб бермаслик ҳолларида мусобақани ўтказиётган федерацияга хабар қилиниши керак.

8. Дарвоза тўсини ёки устунлари расмий учрашувларда ўрнидан қўзгалган ёки шикастланган бўлса, уларни шу заҳоти тўзатиш имкони бўлмаса, ҳакам ўйинни тўхтатиши шарт.

Агар ўша қоида бузилмаганда тўхтатилса, у тўхтатилгач тортишиш тўп ташлаш билан қайтадан бошланади.

Тўсикни ўйинни охирига етказиш мақсадида уни арқон ёки симаркон билан алмаштириш мумкин эмас.

Уртоклик учрашувларида иккала команданинг ўзаро келишувига асосан ўйин тўсиксиз ҳам давом эттирилиши мумкин. Лекин шикастланган тўсин майдондан чиқариб ташланиши лозим, Бундай шароитда уни арқон ёки

симарқон билан алмаштириш мумкин. Агар улардан фойдаланилмаса ва тўп хакамлар фикрича тўсик бўлиши лозим бўлган чизикдан пастда дарвоза чизигини кесиб ўтса, у ҳисобга олинади.

9.Тўсин ва устунлар кесишган энг кўп ва энг кам ўлчам 1-қоидага кўрсатилганидек фарқланиши СССР Футбол Федерациясининг розилиги билан рухсат этилади.

10.Тўсик ва устунлар СССР Футбол Федерацияси халқаро СОЕСТ тасдиғи буйича ёғочдан, металлдан ёки бошқа материалдан тайёрланиши мумкин. Тўсин ва устунларнинг кундалапг кесими квадрат, тўғри бурчакли, айлана, ярим айлана ёки эллипс шаклида бўлиши мумкин.

Тўсин ва устунларнинг юқорида кўрсатилган материаллардан ва шакллардан ўзгача бўлишига рухсат этилмайди.

11. Ҳар қандай халқаро ва СССР чемпионати ўйинлари (тўлиқ ёки қисқартирилган вақт билан) майдоннинг, командаларнинг, хакамларнинг ҳолатини ўйиндан олдин Ҳисобга олиб, тегишли футбол федерацияси розилиги билан ўтказилади.

12.Халқаро ва мамлакат биринчилиги ўйинларини ўтказётганда стадион маъмурияти қуйидаги шартларга риоя қилиниши шарт:

7.— бурчак тўпи тегилаётганда химояланаётган команда ўйинчисининг қоидага асосан белгиланган узоқликда туришини белгилаш учун бурчак байроқчасидан 10 метр масофада дарвоза чизигига перпендикуляр равишда ундан 30 см. Ташлаб 40 см. узунликдаги чизик чизиши;

—дарвоза яқинидаги фоторепортёрлар сонини чеклаши;

—майдон ташқарисида «фоторепортёрлар чизиги»ни ўтказиш; у бурчак байроқчасидан 2м узоқликда ва дарвоза чизигидан 3,5 м. кам бўлмаган масофада чизилади. Чизик дарвоза ортида устунлардан 6 м. масофада ўтказилади;

—ўйин вақтида фоторепортёрларнинг ёки ўйинга қатнашаётган бошқа кишиларнинг «фоторепортёрлар чизигидан нчкарига киришига йўл қўймаслиги;

— ўйин вақтида фоторепортёрларга расмга олиш учун «фотовспышка»—дан фойдаланишни таъқиқлаш.

II ҚОИДА. Т У П

Тўп — чарм ёки шунга ўхшаш хом-ашёдан тайёрланиб юмалоқ шаклга эга булиши керак, Тўпли тайёрлашда ўйинчиларга шикаст етказадиган материалдан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Тўппи айланаси узунлиги 68- -71 см. ўйин бошида унинг оғирлиги 396—453 г. бўлиб, нчидаги ҳаво босими денгиз сатҳида 0,6—1,1 атм. (600- 1100 г. см²) бўлиши керак. Уйин пайтида тўп факат хакамнинг рухсати билангина алмаштирилиши мумкин.

КУРСАТМА

1. Уйинда фойдаланиладиган тўп майдон эгалари томо-нидан таъминланади ва унинг мулки ҳисобланади. Уйин тугагач ҳакам уни (тўпни) эгасига қайтаради.

2. Тўпни тайёрлашдаги қопламалар, тери ва бошқа материаллар халқаро кенгаш талабларига жавоб берадиган ва СССР Футбол Федерацияси томонидаи тасдиқланган бўлиши керак.

3. Агар ўйин пайтида тўп ярқисиз ҳолга келиб қолса, ўйин тўхтатилади. Тўп алмаштирилгач, ўйин майдоннинг ўйин тўхтатилган еридан, яъни тўп ярқисиз ҳолга келган жойдан тортишиш тўпи ташлаш билан давом эттирилади.

4. Агар ўйин тўхтатилганда тўпнинг ярқисизлиги аниқланса (бошловчи зарбаи бажаришда, эркин тўп тепиб ўйинга "киритишда, 11 м. ли зарбани ва жарима тўпини тепишда, шунингдек тўпни ташлаб ўйинга киритишда) тўп алмаштирилгач, олдинги ҳолатдан ўйинга киритилади.

III ҚОИДА

УЙИНЧИЛАР СОНИ

1. Уйинда икки команда иштирок этади, Ҳар бир командани бир дарвозабон билан биргаликда 11 тадан ортиқ бўлмаган ўйинчилар ташкил этади.

2. Ҳар қандай расмий учрашувда команда асосий ўйинчиларни запасдагилари билан алмаштириши қуйидаги шартлар асосида амалга оширади:

а) ўйинчилар халқаро ёки миллий федерация ёхуд мусобақани ўтказувчи ташкилотнинг ўйинларга иштирок этиши ҲУҚУҚИни берувчи рухсатномага эга бўлиши керак;

б) асосий ўйинчиларни запасдаги ўйинчилар билан алмаштириш сони чекланган бўлиб, у мазкур қонданинг «с» қисмида кўрсатилганидек бўлиши керак;

с) ҳар қандай расмий учрашувлар (ўйинлар)да ҳар бир команда иккитагача ўйинчини алмаштиришга рухсат этилади.

3. Асосий ўйинчилар билан запасдаги ўйинчиларни алмаштириш норасмий учрашув (ўйин)ларда иккала командани қаноатлантирадиган сондаги ўйинчилар келишиб олинади (бирок, алмаштириш бештадан ошмаслиги лозим) ва бу ҳақда учрашув ҳакамига ўйин бошлангунга қадар хабар қилиниши зарур.

Агар ўйин бошлангунга қадар командалар алмаштиришлар сонини ёки бирор қарорга келиша олмай запас ўйинчиларни нечта

алмаштириш тўғрисида ҳакамга айтилмаса, иккитадан зиёд ўйинчини. алмаштиришга рухсат этилмайди.

4. Ҳар қандай ўйинчи ўйин тўхтатилган пайтда ҳакамни огохлантириб дарвозабон билан ўрин алмашиши мумкин.

5. Дарвозабон ёки ўйинчи запасдаги билан алмаштирилаётганда қуййдагн шартларга риоя қилиши керак:

а) алмаштириш ҳақида албатта, ҳакамга маълум қилиниши;

б) запасдаги ўйинчи майдонга фақатгина алмаштирилаётган ўйинчи. майдондан чикиб кетгандан сўнггина учрашув ҳакамиинг рухсати билан майдонга чиқади;

г) запас ўйинчи ўйин тўхтатилгач, ён ва ўрта. Чизиклар кесишган жойдан майдонга тушишига рухсат этилади;

д) алмаштирилган ўйинчининг кайтиб майдонга тушишига ва ўйнашига рухсат этилмайди;

е) ўйин протоколига киритилган запас ўйинчилар ҳам ўйинга катнашши са катнашмаслигидан катън назар, асо-сий ўйинчилардап талаб этиладиган (ҳакамдап жазо олиш маъносида) коида талаблари—бўйсунеди;

ф) ўйинчини алмаштириш майдонидаги ўйинча майдондан чпклб, запасдагиси майдонга киргач тўхтатилади.

КЎРСАТМА

1. Мусобақани уюштирувчи футбол федерацияси ёки спорт ташкилоти запас ўйинчилар алмаштиришлар сонини III коидадагидан ўзгартиришларига рухсат этилади. Аммо бу ҳақда мазкур мусобақанинг Низомида қайд этилиши лозим.

2. Командадаги ўйинчиларнинг энг кам (минимал) сони 7 тадан кам бўлмаслиги керак. Агар командада 7 тадан кам ўйинчи колса, ўйин тўхтатилади ва у ҳақикий ҳисобланмайдн. Уйин ҳақидаги охирги хулоса ва ўйин ҳисобини СССР Футбол Федерацияси ёкн мусобақаи уюштирган ва ўтказаетган ташкилот чиқариб эълон қилади.

3. Уйин олдидан мусобақа протоколига 5 тадан ортиқ бўлмаган запас ўйинчилар исмлари киритилади. Майдондаги асосий ўйинчилар фақат протоколда қайд этилган ўйинчилар билангина алмаштирилиши мумкин.

Агар запас ўйинчилар сони бошқача бўлса, у холда футбол федерациясининг Низомида бу ҳақда қайд этилиши керак,

4. Уйин ҳаками майдондан чиқариб юборган ўйинчининг ўрнига бошқа ўйинчининг майдонга тушиши (алмаштирилиши)га рухсат этилмайди. Агар ўйинчи ўйин бошлангунча ўйиндан четлаштирилган бўлса, унинг ўрнига протоколда ёзилган бошқа ўйинчининг майдонга тушишига рухсат этилади ва бунинг учун у ўйиннинг бошланиш зарбасини беришда вақтни олмаслиги лозим.

Запас ўйинчини (протоколга киритилганлардан) ўйин бошлангунча ёки бошлангач ўйиндан чиқариб юборилса (бу қарор XII қоидага кўзда тутилган ўйин қоидасини бузганлиги учун майдондан чиқариб юборилган ўйинчиларга тегишли ва IV қоидани бузган ўйинчиларга қўлланилмайди), бошқа ўйинчи билан алмаштирилмайди.

5. Агар ўйинчи майдонни чегараловчи чизиқлардан ташқарига чиқишда ўзи айбдор бўлмаса (масалан, ўзини тўхтата олмай қолган бўлса), уни майдондан ҳакамнинг рухсатисиз чиқиб кетган ҳисобланмайди.

6. Агар майдоннинг чегараловчи чизиқлари яқинида ўйинчи ўз рақибини алдаб ўтиши мобайнида тўпни олдинга ташлаб, ўзи рақибини қувиб ўтиш учун ён ёки дарвоза чизиғида ташқарига чиқса, у қоидани бузган ҳисобланмайди. Бироқ қоида ўйинчиларга майдон ичкарасида бўлишларини таъсир қилмайди.

IV ҚОИДА.

ЎЙИНЧИЛАРНИНГ КИЙИМИ

Ўйинчининг кийим-бошини футболка ёки куйлаги, трусиси, гетраси ва оёқ кийими (бутсаси) ташкил этади.

1. Ўйинчи бошқа ўйинчиларга ҳавф туғдирадиган турли буюмларни тақмаслиги ва киймаслиги лозим,

2. Оёқ кийими (бутсаси ёки ботинкаси) куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) қўндаланг пластинкалари тери ёки резинадан тайёрланиши ва улар ясси бўлиб, қалинлиги 12,7 мм. дан кам бўлмаслиги ва тагликни бутун эни билан қоплаши ва четлари ойсимон бўлиши;

б) тери, резина, алюмин, пластмасса ёки шунга ўхшаш материалдан бир бутун (текис) бўлмаган очиладиган тишлар тайёрланади. Улар юмалоқ ва яхлит, ясси чўққисимон диаметри 12,7 мм, бўлиши керак. Тишлар ўрнатиладиган асос, тагчармдан 6 мм. дан баланд бўлмаслиги керак. Агар тишлар конуссимон бўлса, диаметри 12,7 мм. дан ошмаслиги зарур.

Агар тишлар учун металл асос ишлатилган бўлса, у тагчармга ўйилган бўлиши керак. Мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган ҳар қандай винт тишлар билан бир бутунни ташкил этиши шарт. Тагчарм устига тери ёки резина билан қопланган тақдирда ҳам металл пластинкалар ўрнатишга рухсат этилмайди. Винтли тишларнинг тагчармдаги винт асоси михлар ёки бошқа йўл билан мустаҳкамланиши таъқиқланади. Юза-сида рельеф ёки чиқиб турган бурчаклари бўлган шиплардан фойдаланиш мумкин эмас.

с) тагчарм билан уйма тайёрланган шиплар резина, пластика ва шунга ўхшаш бошқа юмшоқ материаллардан тайёрланилади. Агар улар тагчармда 10 донадан кам бўлмаса, уларнинг энг кичик диаметри 10 мм. бўлиши мумкин. Тишларни янада мустаҳкамроқ ўрнатиш учун ишлатиладиган юмшоқ

материалдан тайёрланган қўшимча пластинкалар тагчарм билан яхлит қилиб ясалади ва у тагчарм юзасидан 5 мм. дан баланд бўлмаслиги керак. Бунақанги пластиналар бошқа ўйинчиларга хавф туғдирмаслиги /зарур, бошқа ҳар қандай ҳолларда шунга ўхшаш тишлар ушбу қоиданинг умумий талабларига жавоб бериши керак.

д) мазкур коида талабларига жавоб берадиган ва баландлиги 19 мм. дан ошмайдиган кўндаланг пластинка ва тишларни қўллашга ҳам рухсат этилади. Агар уларни мустаҳкамлаш учун мих ишлатилса, у ҳолда улар пластина ва шиплардан таг-чармнинг юзига чиқиб қолмаслиги керак.

3. Дарвозабоннинг кийим-боши ранг жиҳатидап иккала команда ўйинчилари ва ҳакамнинг кийимидан фарк қилиши керак.

V ҚОИДА.

ҲАКАМ:

Ҳар бир ўйинни ўтказиш учун ҳакам тайинланади. У майдонга чиққан пайтдан бошлаб ўйиннинг коидага биноан боришини назорат қилади.

Ўйин вақтинча тўхтатилганда ёки тўп майдондан чиқиб кетганда ўйинчилар ўзаро жанжаллашганда, ўйинни тўхтатиш ва олиб бориш каби ҳуқуқлар ҳакам зиммасига юклатилади ва бу ўйин мобайнида ҳакамнинг барча асосларга чиқарган қарори ўзгармасдан қолади ва бу ўйиннинг ҳисобига ҳам тегишлидир.

ҲАКАМ:

а) ўйин коидаларини аниқ бажарилишини назорат қилади;

б) ҳулосасига кўра жабрланувчи командани муваффақият (устунлик) берувчи ҳолларда (хужум уюштирганда) ўйинни тўхтатмаслиги лозим;

в) майдондаги барчанинг ҳатти-ҳаракати ўйин учун ажратилган вақтни назорат қилиш, бахтсиз ходиса рўй бериб вақт олинса, бекор кетган вақт учун қўшимча вақт қўшиш ва бошқа ҳолларда назорат қилади;

г) зарурат туғилган барча (нокулай об-ҳаво шароитида, томошабин ҳалақит берганда ва бошқа) ҳолларда, шунингдек барча ўйин қоидаси бузилганда вақтинча ёки умуман ўйинни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Ҳакам ўйинни тўхтатилганлиги сабабини батафсил тушунтириши ва бу ҳақда мусобакани ўтказувчи ташкилотга мусобақа инзомида кўрсатилгандек ёзиб маълум қилиши шарт;

д) ўйинчиларни майдонга тушган пайтидан бошлаб қилган кўполликлари ёки тартибсизликлари (ёмон ҳулқи) учун огоҳлантириши ёки умуман ўйинчини майдонга қўймасликка ҳақли. Айбдор ўйинчининг исмини, жазолаш сабабини ўйин протоколида қайд этиши ва бу ҳақда мусобакани ўтказувчи ташкилотга хабар қилиши керак;

ф) ўзининг рухсатисиз ўйинчи ва ёрдамчи ҳакамлардан ташқари ҳеч кимни майдонга киришига йўл қўймаслиги лозим;

ж) қаттиқ шикастланган ўйинчига ёрдам кўрсатиш учун ўйинни тўхтатиши, агар керак бўлса. жароҳатланган ўйинчига тез ёрдам кўрсатиш учун майдон ташқарисига чиқариб дарҳол ўйинни давом эттириши лозим. Ўйинчи енгил шикастланган бўлса, тўп майдон ташқарисига чиққач, ўйинни тўхтатиши керак.

Агар ўйинчининг ўзи ён ёки дарвоза чизиғига бора олса, унга майдон ташқарисидан тиббий ёрдам кўрсатилади;

к) ҳакам фикрича ўйинчи қўполлик ёки қондани атайлаб бузаверса, шунингдек ўйин интизомини қўпол бузса ёки ҳақо-ратловчи сўзлар билан сўкинса, уни майдондан чиқариб юбориши керак;

и) ҳар бир ўйин тўхтатилгач, сигнал (ишора) килиши лозим;

л) тўпнинг II қоида талабларига жавоб бериш сифатларини фақат унинг ўзи аниқлайди.

ҚҲРСАТМА

1. Расмий ўйинларда ҳакам иккала команда ўйинчиларининг кийими рангидан фарқ қилувчи рангдаги кийимда ёки курткада бўлиши керак.

2. Стадион маъмурияти ўйин ўтадиган майдонга ўйинчилар шикастланганда тиббий ёрдам кўрсатиш учун медицина навбатчилигини ташкил этишлари керак.

Ҳакам ўйин бошланиши олдидан медицина ходимининг мавжудлиги ва тайёргарлигини кўздан кечириши лозим.

3. Ҳакам ўйиннинг тўхтатилиши сабабларига кўра қўшиладиган вақтни ўзи аниқлайди. У қоидада кўрсатилган тўхтатишлар учун қўшимча вақт белгилаш ҳуқуқига эга. Қўшилган вақт тўғрисида ҳакам команда капитанларига хабар қилади. Ўйиннинг таймлар бўйича вақти фақат ҳакамнинг секундомери билан аниқланади.

Барча тартибсизликлар, томошабинларнинг нотўғри ҳулқи ёки бир тўда томошабиннинг ҳар қандай қўпол муомаласи, расмий киши, ўйинчи, протоколда қайд этилган запас ўйинчи ёки бошқа кишилар томонидан майдонда ёки бошқа жойда ўйингача ёки ўйиндан сўнг содир этилса, ҳакам бу ҳақда рапорт ёзиб мусобақа ўтказувчи мутассади ташкилотга тегишли чораларни кўриш учун топшириши керак.

5. Ён ҳакамлар фақат ҳакамнинг ёрдамчиларп ҳисобланади. Шунинг учун майдондаги ҳакам ўзи курган ва вазиятга ўзининг яқинлигини ҳисобга олиб ёрдамчи ҳакамнинг сигналларини эътиборга олмасдан ўйин вазиятларига тўғри баҳо бериши керак. Агар ҳакам ёрдамчи ҳакамни қулай вазиятга яқинлигини ва қоида бузилишини ўзидан кўра яхши кўрган, деб баҳолаб унинг сигналини инобатга олиши ва у дарвозанинг ишгол этилиши билан боклик бўлса, дарвозага киритилган тўпни ҳисобламаслиги ҳам мумкин.

6. Агар ўйин қайта бошланмаган бўлса, ҳакам ўзининг би-рпнчи қарорини ўзгартириши мумкин.

7. Агар ҳакам ўйин қоидаси бузилгач, жабрланувчи қолганда қулай (имтиёзли) вазиятни берадиган пайт ўйинни тўхтатмаса ва қолганда бу имкониятдан фойдалана олмаса, ҳакам ўз қарорини ўзгартирмаслиги керак. Бу ҳакам қоидадан бузган ўйинчини эътиборсиз қолдириши керак дегани эмас.

8. Ҳакам ўйинда иложи борида озроқ тўхтатишлар қилиши лозим. Бунинг учун атайлаб қолганда бузилганда жазолаш зарур. Тез-тез тўхтатишлар ва шубҳали ўйин қоидаси бузилиш ҳолларидаги тўхтатишлар ўйинга қизиқишни сўндиради, бу эса ўйинчиларга ҳам таъсир қилади.

9. Ҳакам қоидадан «д» пунктига асосан бирор-бир қолганда мағлубият бериш ёки дисквалификация қилиш масаласини ҳал этмасдан қолганда қўпол бузилганда ёки тартибсизликлар юзага келганда ўйинни тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда ҳакам батафсил тарзда воқеа юзасидан рапорт ёзиб тегишли ташкилотга жўнатиши шарт. Фақат шу ташкилотга ходиса юзасидан сўнгги қарорни чиқаради.

10. Агар ўйинчи бир вақтнинг ўзида икки характердаги қолдан бузса, ҳакам уни қайсиси жиддийроқ бўлса, ўшани-си бўйича жазолаши керак.

Ҳакам ўзи кўра олмаган дақиқалар ёки бошқа сабаблар туфайли кўра олмай қолган ҳодисаларда ёрдамчи ҳакамнинг ахборотини эътиборга олиши керак.

11. Ўйин тўхтатилмагунга қадар майдонга команда тренери ёки бошқаларнинг чиқишига рухсат бермаслиги керак. Шунингдек, тренерларни майдон чизиғи яқинидан ўйинчиларга маслаҳат беришига ҳам йўл қўймаслиги керак.

Зарурат тугилганда керакли қўл ҳаракати билан врач ёки бошқа расмий кишининг майдонга киришига рухсат беради.

VI ҚОИДА. Ё Р Д А М Ч И Ҳ А К А М Л А Р

Ўйин ҳакамига ёрдам бериш учун иккита ёрдамчи ҳакамлар тайинланади. Ёрдамчи ҳакамлар байроқ ёрдамида сигнал бериб кўрсатишади (охирги ҳулосани бош ҳакам чиқаради):

а) тўпни ўйиндан чиққанини;

б) қайси команда бурчак тўпи тепишини, дарвоза майдони чизиғидан тўп тепиб ўйинга киритишини ёки тўпни ташлаб киритишини;

с) командаларнинг ўйинчисини запасдаги билан алмаштирилишини, шунингдек ёрдамчи ҳакамлар ўйин қоидасини назорат, қилиб, майдондаги ҳакамга ёрдам бериши керак.

Агар ёрдамчи ҳакам нотўғри ҳаракатлари билан ўйинни яхши ўтишига халақит берса, бош ҳакам уни алмаштириши мумкин. Алмаштириш ҳақида мусобақани уюштирган ташкилотнинг футбол федерациясининг ҳакамлар коллегиясига хабар қилиши ва алмаштириш сабабларини кўрсатиши лозим.

Ёрдамчи ҳакамларни стадион маъмурияти махсус талабларга жавоб берадиган байроқчалар билан таъминлаши керак.

КУРСАТМА

1. Ёрдамчи ҳакамлар ўйин қоидаси бузилганини бош ҳакам сезмай қолганида эътибор бериши ва унга бу ҳақда мурожаат қилиши лозим. Аммо, охирги қарорни бош ҳакам чиқаради.

2. Ш.аҳарлараро ўтказиладиган расмий учрашувларда ҳакамлар бригадаси мазкур шаҳарлар ҳакамлар коллегиясидан бўлмаслиги маслаҳат берилади. Ички (шаҳар, район ва бошқа) мусобакаларда ҳам ёрдамчи ҳакамларни учрашувчи командалар ташкилотлари аъзоларидан бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

3. Ёрдамчи ҳакамлардаги байроқларнинг ранги аниқ ажралиб турадиган бўлиши керак (масалан, сариқ, қизил ва ҳоказо).

4. Ёрдамчи ҳакам асоссиз аралашгани ёки етарли ёрдам бермаганлиги учун фақат ҳакамнинг рапортига асосан интизом жиҳатидан жазоланиши мумкин.

VII ҚОИДА. ЎЙИН УЧУН АЖРАТИЛГАН ВАҚТ

Ўйин икки бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бўлими 45 минут-дан ва улар орасида 10 минутли танаффусдан ташқари 90 минут давом этади. Қуйидаги шартларга риоя қилиниши шарт:

а) ҳакам бахтсиз воқеа туфайли, ташқаридан халақит бериб ёки бошқа сабабларга кўра ўйин тўхтатилган бўлса, йўқотилган вақтни у қайси бўлимда йўқотилган бўлса, ўша бўлимига қўшиши ва бу йўқотилган вақтнинг қанчалигини унинг ўзи белгилайди;

б) биринчи бўлим ёки умумий вақт тугагач бўлишига қарамасдан 11 метрли жарима тўпи тепиш учун вақтни қўшиши.

КЎРСАТМА

1. Агар ўйин ҳакам томонидан. У қоидада кўрсатилган сабаблар туфайли тугатилган бўлса, у қайтадан ўйналиши шарт (фақат мусобақа низоми ушбу ҳолда ўйин тугатилгандаги ҳисобни ҳақиқий деб ҳисоблашни кўзда тутмаган бўлса).

2. Ўйинчилар бўлимлар орасида белгиланган танаффусда дам олишга ҳақлидирлар.

3. Агар расмий мусобақанинг шартига кўра голибни аниқлаш ҳамда голиб аниқланиши керак бўлиб, аммо мусобақа низомида голибни аниқлаш ҳақида, бошқа усул ҳақида гапирилган бўлмаса, ўйин ажратилган вақтда дуранг билан тугаса, қўшимча 30 минут вақт берилади. Қомандалар ҳар бўлими 15 минутдан бўлган қўшимча вақтда дарвозаларни алмашиб, дам олмай ўйинни тугатадилар. Натижа яна дуранг бўлса, голиб 11 метрли белгидан тепиладиган зарбалардан сўнг аниқланиши мумкин. 11 метрли зарбани ФИФАнинг қўлланмасига кўра бажариш тавсия этилади.

VIII ҚОИДА, ЎЙИННИНГ БОШЛАНИШИ

а) ўйин бошланиши олдидаи қуръа ташланади. Қуръада ютган команда майдоннинг ўзига маъқул тарафини ёки бошланғич зарбани бериш ҳуқуқини қўлга киритади.

Бошланғич зарбани бериш учун тўпни майдон маркази белгисига қўйиб, ҳакамнинг сигнали билан қимирламай турган тўп бошловчи команда ўйинчиси аёғи билан зарба бериб ўйинга киритади. Тўп рақиб эгаллаган майдон қисми томон йўналтирилган зарба билан бошланиши шарт.

Бошланғич зарбани бериш пайтида барча ўйинчилар майдоннинг ўзларига тегишли ярмида бўлишлари шарт. Ўйинни бошловчи зарба берилаётган пайтда рақиб ўйинчиларининг тўпдан 9 метрдан яқин турмасликлари ва зарба берилмагунча уларнинг тўпга яқин келмасликлари шарт.

Тўп ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтгач, ўйинга киритилган ҳисобланади.

Бошланғич зарбани берган ўйинчи иккинчи марта бошқа ўйинчилардан олдин тўпни тепишига руҳсат этилмайди;

б) тўп дарвозага киритилгач, ўйин яна ўйин бошидагидек майдон марказидан дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган команда аъзолари томонидан ўйинга киритилади;

с) танаффусдан сўнг командалар дарвозаларни алмашишади ва ўйин бошида ўйинни бошламаган команда майдон марказидан бошлангич зарба бериш орқали ўйинни давом эттиради.

КУРСАТМА

1 Агар тортишиш тўпи ташланаётганда ўйинчилар ўйин қоидасини бузса, қоидани бузганлиги учун ўйинчи огоҳлантирилади ёки қоидани жуда қўпол бузганлиги учун майдондан чиқариб юборилади. Уйин эса тортишиш тўпи ташлаш билан бошланади, чунки қоида тўп ўйинга киритилмаган пайтда бузилган, шунинг учун жарима ёки эркин тўп белгиланмайди.

2. Уйинда иштирок этмаётган ўйинчига бошловчи зарбани беришга рухсат этилмайди.

IX. ҚОИДА.

ТУП ҚАЧОН УЙИНГА ҚИРИТИЛГАН ВА КИРИТИЛМАГАН ҲИСОБЛАНАДИ?

Тўп ўйиндан чиққан ҳисобланади, қачонки:

а) агар тўп дарвоза чизиғини ердан ёки ҳаводан тўлик; кесиб ўтса;

б) ўйин ҳакам томонидан тўхтатилса;

Қолган барча ҳолларда тўп ўйинга киритилган ҳисобланади ва худди шунингдек:

а) тўп бурчакдаги байроқларга ёки дарвоза устунлари ва тўсинига тегиб яна майдонга тушса;

б) тўп ҳакам ёки ёрдамчи ҳакамлар майдон чегарасида турганда тегиб яна майдонга тушса;

с) ўйинчилар қоида бузилди ҳисоблашиб, ҳакам ўйинни тўхтатади, деб ўйлаб тўхташса.

КУРСАТМА

Хар бир чизиқ мазкур чизиқ чегаралаган майдоннинг ўлчамига киради. Шунинг учун ён ва дарвоза чизиқлари қалинлиги ҳам майдон чегарасига киради.

X. ҚОИДА.

ЎЙИН ҲИСОБИ

Тўп дарвоза устунлари ва тўсини ичидан дарвоза чизиғини тўлиқ келиб ўтиши олдидан (дарвозага тўп киришида) хужум қилувчи команда ўйинчилари уни отиб ёки атайлаб қўли билан уриб киритмаса, дарвоза ишғол этилган ҳисобланади. Жарима майдонидаги ҳимояланувчи команда дарвозабони бундан мустасно, Уйин мобайнида қўп гол киритган (урган) команда голиб команда ҳисобланади. Агар ўйин мобайнида командалар киритган голлар натижаси бир хил

(кўрсатгичи бир хил) бўлса ёки умуман гол уриша олишмаса, ўйин дуранг билан тугаган ҳисобланади.

КУРСАТМА

1. Ҳақда ўйин ҳолибини аниқлаш ёки дуранг билан тугаганлигини аниқлашда ягона усулни кўрсатади. Бошқа натижа бўлиши ҳам мумкин эмас.

2. Тўп дарвоза чизиғини кесиб ўтмасдан бирор бегона киши (айтайлик томошабин) тўпни қайтариб юборса, тўп дарвозага киритилган ҳисобланмайди.

Агар бу воқеа 11 метрли жарима тўпини тепишдан бошқа ҳолларда бўй берса, ҳақам ўйинни тўхтатиб воқеа содир этилган жойдан тортишиш тўпи ташлаш билан давом эттиради, воқеа дарвоза майдонида содир этилган ҳоллар бундан мустасно.

3. Агар томошабин майдонга тушиб дарвозага келаётган тўпнинг йўлини тўсишга уринса ва барибир тўп дарвозага киритилса, ҳақам тўпни ҳисоблаши керак. Аммо томошабин тўпга тегса ёки ўйинга ҳалақит қилса, ҳақам ўйинни тўхтатиб, томошабин тўпга теккан жойдан тортишиш тўпи ташлаши керак. Воқеа дарвоза майдонида содир бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар ҳақам хато килиб тўп дарвозага киритилгунга қадар ҳуштак чалиб юборса ва дарҳол ўз хатосини англаса, гол ҳисобланмайди ва хато қаерда содир этилган бўлса ўшадан тортишиш тўпи ташлаш билан давом эттирилади. Дарвоза майдонида содир этилган ҳоллар бундан мустасно.

XI ҚОИДА.

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

1. Ўйинчи рақиб дарвоза чизиғи яқинида тўп тепиладиган дақиқаларда тўпдан олдин туриб қолса, у «ўйиндан ташқари ҳолатда» дейилади. Қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) ўйинчи майдоннинг ўзига тегишли ярмида бўлганда;

б) ўйинчи билан рақиб дарвоза чизиғи ўртасида рақибнинг иккитадан кам бўлмаган ўйинчиси бўлганда.

2. Ўйинчи «ўйиндан ташқари ҳолатда» ҳисобланади ва бунинг учун у жазоланиши керак, агарда шу дамда тўпга тегса ёки унинг командадошларидан бири тўп билан бўлса ва у ҳақамнинг фикрича:

а) ўйинга ёки рақибига ҳалақит берса;

б) «ўйиндан ташқари ҳолатда» туришга уриниб бунинг билан имтиёзли имкониятга эга бўлиш.

3. Ўйинчи ҳақам томонидан «ўйиндан ташқари ҳолатда» бўлган қўйидаги ҳолларда жазоланмайди:

а) агар шунчаки «ўйиндан ташқари ҳолат»да турган бўлса;

б) агар ўз дарвозабони дарвоза олдидан бериладиган тўпни тепгач қабул қилса, бурчакдан тепилган бурчак тўпини, ён чизикдан ташланган тўпни (аутдан) ёки талашиш тўпидан ташланган тўпларни қабул қилганда.

4. Агар ўйинчи «ўйиндан ташқари ҳолатда» қоидасини бузса ҳакам эркин тўпи тепиш билан жазолаши керак ва қарши команда аъзолари қоида бузилган жойдан эркин тўп тепиб ўйинга киритилиши лозим. Қоида дарвоза майдони ичида бузилса, у ҳолда эркин тўп дарвоза майдонининг ис талган еридан тепилади.

КЎРСАТМА

1. «Ўйиндан ташқари ҳолат» ўйинчи тўпни қабул қилаётганда эмас, балки унга тўпни узатаётган (ўз командадоши) заҳотиёқ аниқланади.

«Ўйиндан ташқари ҳолат»да бўлмаган ўйинчи командадоши унга тўп оширган пайтда олдинга интилса, у «ўйиндан ташқари ҳолат»да деб ҳисобланмайди.

2. Ўйинчи «ўйиндан ташқари ҳолат»да бўлиб, майдондан чиқиб кетса ва ҳакамга ўйинда қатнашмаётганини кўрсатса, ушбу қоидани бузган деб ҳисоблаш шарт эмас. Бироқ ҳакамнинг фикрича, унинг бу ҳаракати тактик жиҳатдан ёлғон (алдамчи) ҳаракат бўлиб, рақибини чалғитиб сўнгра яна ўйинга тушадиган бўлса, ҳакам ўйинчини «ўйиндан ташқари ҳолат»да деб ҳисоблаши керак.

ХII ҚОИДА.

ҚОИДАНИ БУЗИШ ВА ЎЙИНЧИЛАРНИНГ ИНТИЗОМСИЗЛИГИ

Ўйинчи атайлаб куйидаги тўққизта ўйин қоидасини бузса:

а) оёғи билан рақибини тепса ёки тспишга уринса;

б) рақибни оёқлари билан йиқитишга уринса ёки унинг олди ёки орқасида энгашиб уни йиқитишга ҳаракат қилса;

с) рақибнинг устига сакраса;

д) рақибга нисбатан қўпол ёки хавфли ҳужум қилса;

е) йўлини тўсмаётган рақибини орқасидан итарса;

(р) рақибини қўли билан урса ёки уришга ҳаракат қилса ёки унга туфласа;

ж) ўйинчини тўхтатиб қолса;

и) ўйинчини итарса (қўли, сони ёки бошқа рухсат этилмаган усулда);

к) тўпни қўли билан ўйнаса, яъни тўхтатса, олиб юрса, узатса ёки қўли билан урса (бу дарвозабон учун ўз жарима майдонида рухсат этилади), жарима тўпи билан жазоланиши керак (агар унинг ҳаракатлари қаттиқрок жазоланиши тақозо этмаса), қоидани бузган ўйинчи командаси томон белгиланган жарима тўпини қарши команда ўйинчилари қоида бузилган жойдан тепишади,

қачонки қоида рақиб дарвоза майдонида бузилса, жарима тўпи дарвоза майдоннинг исталган нуқтасидан тепилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ўйин қоидалари ҳимояланувчи команда аъзолари томонидан ўз жарима майдонларида онгли равишда (атайлаб) содир этсалар, ҳужум қилувчи команда 11 метрли жарима тўпи тепиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўйин пайти тўп каерда бўлишидан қатъи назар қоида жарима майдони ичида бузилса, 11 метрли жарима тўпи белгиланади.

Ўйинчи қуйидаги 5 та қоиданинг бирортасини бузса:

1) ҳакамнинг фикрича хавфли ўйин килса (м: дарвозабон қўли билан ушлаганда тепишга ҳаракат қилса);

2) тўп узоқда бўлиб, улар унга интилмаган пайтда рақибини елкасига елкаси билан итарса;

3) тўп ўйинда бўлмаган ҳолда рақибини онгли равишда тўсиб қолса, яъни тўп билаи унинг ўртасида бўлганда ёки гавдаси билан унинг ҳаракатига тўскинлик қилса;

4) дарвозабонни қуйидаги ҳоллардан ташқари вазиятларда итарса:

а) тўпни ушлагач;

б) рақибини тўсаётган пайт;

с) ўз дарвоза майдони ташқарисида пайти;

5) дарвозабон ўз жарима майдони ичида ўйнаётган пайти:

а) тўпни қўлига ушлаб олгач, исталган тарафга қараб тўрт қадамдан кўп юрса, тўпни ерга уриб юрса ёки тўпни ҳавога отиб яна илиб олса, уни ўйинга киритмасдан ёки командадоши жарима майдони ташқарисида тўп билан ўйнаса ёки рақиб жарима майдони ичида ёки ташқарисида қўли билан тўпга тегса;

б) онгли равишда ҳакам ҳулосасига кўра вақтни чўзиш мақсадида ва бунинг билан ўз командасига имтиёз берса (яратса);

эркин тўп билан жазоланиши керак ва қарши команда ўйинчилари қоида бузилган жойдан уни тепишлари керак, факат қоида дарвоза майдонида бузилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўйинчи қуйидаги ҳолларда огоҳлантирилади, агар у: ж) ўз командасига ўйин бошлангач рухсатсиз ўйинга кирса ёки ўйин вақтида майдондан чиқиб (жароҳат олгандаги ҳол бундан мустасно) яна майдонга рухсатсиз тушса ва бу ҳақда ҳакамни огоҳлантирмаса.

Агар юқоридаги ҳолда ўйинчини жазолаш учун ўйин тўхтатилса, ўйинчи огоҳлантирилиб, ўйин эркин тўп белгилаш билан давом эттирилади. Факат ҳакам ўйинни тўхтатганда қоида дарвоза майдонида бузилгандаги ҳол бундан мустасно.

Агар эркин тўп ўз дарвоза майдонида бўлган пайтда у дарвоза майдонининг ихтиёрий нуқтасидан тепилади.

Агар эркин тўп рақиб дарвоза майдонида белгиланса, у холда тўп қоида бузилган жойга яқин бўлган дарвоза майдони чегарасига ўрнатилиб тегилади.

Агар юқорида кўрсатилган ўйин қоидасини бузган ўйин-411 жиддийроқ (қўпол равишда) қоидани бузишни содир эт-1-а, қоидани бузганлиги учун мазкур қоиданинг тегишли қисмида кўрсатилганидек жазоланиши керак;

к) сурункали равишда (систематик) қоидани бузса;

л) сўз ёки ўз ҳаракатлари билан ҳакамнинг қарорига ў; { норозилигини ифода этса;

м) интизомсизлик қилаверса (ўзини тута билмаса).

«к», «л», «м» қисмларида кўрсатилган ўйин қоидасини бузган ўйинчиларга огоҳлантириш берилади ва қарши команда ўйинчилари эркин тўп тегиш ҳуқуқини қўлга киритади. "Тўп қоида бузилган жойдан тегиб ўйинга киритилади. Қоиданинг «к» қисми қўпол равишда бузилганда жазолаш бирмунча каттиқроқ бўлиши керак. Агар қоида дарвоза майдонида бузилган бўлса, эркин тўп ёки жарима тўп қоида бузилган жойдан XIII қоида талабларида келтирилгандек бажарилиши керак.

Ҳакамнинг фикрича, қуйидаги ўйин қоидасини бузган ўйинчилар майдондан четлантириладилар:

н) қўпол (ёмон) ҳулқда айбланса ёки қоидани жиддий равишда бузса;

с) запас ўйинчи ўйин тўхтатилгач, ён ва ўрта чизиқлар камситиш сўзларини ифода этса);

п) огоҳлантирилгандан сўнг ҳам қоида бузарлигини да-вом эттираверса;

Агар ўйинчини майдондан чиқариб юбориш учун ўйин тўхтатилган бўлса, дарвоза майдонидан ташқаридаги барча ҳолларда қарши команда ўйинчилари қоида бузилган жойдан эркин тўп тегиш ҳуқуқини қўлга киритади.

КУРСАТМА

1. Агар дарвозабон онгли равишда тўп билан курашда рақибини урса ёки уни тўпни ушлаб турган вақтда итарса, ҳакам қоида жарима майдони бузилгани учун 11 метрли жарима белгилаши керак.

2. Агар ўйинчи онгли равишда рақиб ўйинчисига ўзига ҳужум қилаётганда орқасини ўгирса, бу ўйинчи хавфсиз усул билан ҳужум қилиши мумкин.

3. Дарвоза майдонида рақиб ўйинчиси дарвозабон тўпни ушламаса ҳам, билиб ёки билмасдан урилганини ҳакам ўйинчининг ҳаракатини баҳолаб, ўйинни тўхтатиши, агар ўйинчи онгли равишда ўйин қоидасини бузган бўлса, эркин тўп белгилаши керак.

4. Агар ўйинчи боши билан тўпни уриш учун командадоши елкасига суяниб (чиқиб) ўйнаса, ҳакам ўйинни тўхтатиши ва ўйинчига спортчи хулқига зид иши учун огоҳлантириш бериб, эркин тўп тепиш ҳуқуқини қарши команда ўйинчиларига бериши керак.

5. Майдонга қайтиб ўйинга тушувчи ёки ўйинга ўйин бошлангач кирувчи ўйинчининг бурчи шундан иборатки, ён чизикдан ташқаридан туриб ўзини майдонга тушишига ҳакамнинг рухсатини кутиши ва рухсат берилгандан кейингина майдонга тушиши керак, Ўйинчининг майдонга тушиши ҳақида ҳакам қули билан ишора қилиши лозим. Ҳакам ўйин тўхташини кутмаслиги ҳам мумкин (бу IV қоида бузилганда қўлланилмайди).

Факат ҳакам ўйинчининг қачон майдонга тушиши мумкинлигини ҳал қилади ва бунга рухсат этади.

6. XII қоиданинг маъноси қоидани бузган ўйинчига огоҳлантириш бериш учун ўйинни тўхтатаверишни тақозо этавермайди.

Ҳакам имтиёз бериш принципига амал қилиши ва айбдор фойдасига қарор чиқармаслиги керак. Агар бу ҳолда ҳакам имтиёз бериш принципига амал қилса, айбдор ўйинчини ўйин тўхтагач огоҳлантиради.

7. Агар ўйинчи рақиб ўйинчисига ўйнашга рухсат этиладиган масофада туриб тўпни гавдаси билан тўсса XII қоиданинг 3-қисмини бузмасдан тўсган ҳисобланади, чунки бу ўйинчи тўпни тактик мақсадда ундан рухсат этилган масофада тўсган ҳисобланади. Бу ҳолда бу ўйинчига ҳужум қилиниши мумкин, чунки тўп унда ҳисобланади.

8. Агар ўйинчи онгли равишда қўлларини ёйиб ва бунинг рақибини ҳаракатига ҳалақит берса, қўлларини силгаб рақибини йўналишини ўзгартиришга мажбур қила туриб ўйинчига тегмаса ҳам, бундай ўйинчига спортчисига бўлмаган хулқи учун огоҳлантирилиб, унинг командаси томон эркин тўп белгиланади.

9. Агар ўйинчи онгли равишда тўпни теийиб ўйинга киритаётган рақиб дарвозабонига ҳалақит қила туриб XII қоиданинг 5-«а» қисми бўйича қоидани бузса, ҳакам ўйинни тўхтатиб, қоидани бузган ўйинчи командаси томон эркин тўп белгилаши керак.

10. Агар ўйинчи ҳакам эркин тўп ёки жарима тўпи белгилагач, унинг ёнига югуриб келиб, кўпол ва ҳақоратловчи гўчлар билан ҳакамнинг қарорига ўз норозилигини билдирса, у майдондан четлаштирилиши керак. Зарба ўйинчи майдонни тарк этгандан сўнг тепилади.

11. Ҳар қандай ўйинчи майдон ташқарисидами ёки май-

дондами ўз командадоши ёки рақибига, ҳакамга, ёрдамчи ҳакамларга нисбатан қўполлик ва тартибсизлик қилса ёки умуман бошқа бирор кишига нисбатан ҳақоратловчи ва номқбул сўзлари изҳор этса, айбдор ҳисобланиб қоидани бузганлиги учун содир этган қоида бузишнинг характериға қараб жазоланиши керак.

12. Агар ҳакамнинг фикрича, дарвозабон онгли равишда, вақтни чўзиш учун тўпни ушлагач унинг устида узоқ вақт ётаверса, унинг бу ҳаракати спортчасига бўлмаган хулқ ҳисобланиб, бунинг учун:

а) унга огоҳлантириш бериб, унинг командаси томон эркин тўпи белгиланади;

б) мазкур ўйин қоидасини такроран яна бузса, у майдондан ҳайдалади.

12. Ҳақоратлар команда вакилиға ёки бошқа кишиға норозиликни туфлаш билан изҳор этилса ёки шунга ўхшаш итоатсизлик ўйинчи томонидан содир этилса, бу ҳаракат қўпол хулқ деб баҳоланиб, айбдор ўйинчини XII қоиданинг «н» қисмида кўрсатилганидек жазоланиши керак.

14. Агар ҳакам қоидани бузган ўйинчиға огоҳлантириш беришиға қарор қилгач, то унга бу жазони эълон қилгунга қадар ўша ўйинчи яна бир огоҳлантириш берадиган даражада ўйин қоидасини бузса, айбдор ўйинчи майдондан чиқариб юборилиши керак.

15. Агар ўйинчи ўйин пайтида тўп ўйинда бўлганда жарима майдонида «ўйиндан ташқари ҳолат»да турган рақибини тўпни эгаллашға ҳаракат қилмаса ҳам уни тепиб (чалиб) йиқитса, 11 метрли жарима тўпи белгиланади.

16. Енгил жароҳат олган ёки бошқа сабабға кўра ҳакам рухсати билан майдонни чегараловчи чизикда турган ўйинчи, рақиб ўйинчиси унинг олдидан югуриб утаётганда онгли равишда оёғи билан чалса ёки қўли билан тортса, унга огоҳлантириш берилади ва жарима тўпи тепиш билан давом эттирилади. Агар қоида жарима майдони чегарасида содир этилган бўлса, қоидаға кўра 11 метрли жарима тўпи тепиш белгиланади.

17. Агар ҳимояланувчи команда ўйинчиси ўз жарима майдонида рақибини тепгани ёки қўли билан ургани учун майдондан четлантирилса, тўп ўйинда бўлгани учун 11 метрли жарима тўпи белгиланади.

18. Агар жарима майдонида талашиш тўпи ташлаётган пайти ҳимояланаётган команда ўйинчиси тўп ерга теккунга қадар рақибини урса, ҳакам унга огоҳлантириш бериб ёки майдондан четлатиб, бошқатдан талашиш тўпи ташлаши керак. Мазкур ўйин қоидаси бузилганда 11 метрлик жарима тўпи хали тўп ўйинға киритилмаганлигини ҳисобға олиб белгиланмаслиги керак.

19. Агар ҳимояланувчи команда ўйинчиси жарима майдони ташқарисида туриб онгли равишда тўп мазкур жарима майдони чегарасида пайти қўли билан ўйнаса, қоида жарима майдонида бузилган ҳисобланиб, 11 метрли жарима тўпи белгиланади.

20. Агар бир команда ўйинчилари тартибсизлик ва қўпол тўқнашувлар содир этаверса, XII қоида бузишда айблаб, ҳакам уларни огоҳлантиради ёки майдондан четлаштиради. Бундай ҳолларда ўйин тўхтаган жойдан уларнинг командаси томон эркин тўпи белгилаш билан давом эттирилади.

21. Уйинчи учиб келаётган тўпни онгли равишда ҳужумни тўхтатиш учун қўли билан ушласа ёки ёриб ўтаётган рақиб ўйинчисини гавдаси билан тўсса, қўли, қўйлаги, трусисидан ушлаб қолса, ҳакам бунга жиддий ҳодиса деб қараши ва бундай ўйинчига огоҳлантириш бериши керак.

22. «ТУПНИ НАЗОРАТ ҚИЛАЯПТИ» —бу дегани дарвозабон тўпни қўлида ушлаб турган пайти тушунилади.

Агар дарвозабон тўпни ушлагач, унга ажратилган вақт ичида у тўрт кадам қўйиши мумкин, бу пайтда:

тўпни қўлида ушлаб туриши ёки тўпни ерга уриши ва сакраган тўпни яна илиб олиши, ёки тўпни хавога отиб яна илиб олишига рухсат этилади.

Дарвозабон тўрт кадам қўйгач, у тўпни ўйинга киритиши керак, бироқ дарвозабон тўпни ўз назоратига олгач, оёқ билан ўйнаш мақсадида тўпни ерга қўйса, юқоридаги ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. Шу дамдаи бошлаб у хатто тўрт кадам ташламаган бўлса ҳам жарима майдонидан ташқарида турган командадоши тўпга тегмаса ёки жарима майдонида ёки ундан ташқарида рақиб ўйинчиси тўпга тегмаса, дарвозабон тўпга қўл уриши мумкин эмас.

Демак, дарвозабон тўпни ўйинга киритиши ёки уни оёғи билан ўйнаши мумкин, сўнгги ҳолда унга тўрт кадамдан кўпроқ юришга рухсат этилади. Чунки у бу ҳолда майдондаги бошқа ўйинчиларникидек ҳуқуқга эга бўлади (№ 299 ва 299 А, 353, ФИФАнинг хати).

XIII ҚОИДА.

ЖАРИМА ВА ЭРКИН ТУПЛАР

Жарима тўпи эркин тўпдан шуниси билан фарқ қилади-ки, жарима тўпи тўп тепилгандан сўнг тўрридан-тўғри дар-позага киритилса ҳисобланади. Эркин тўп тепилгач дарвозага киритилган тўп ҳисобланиши учун тепилгандан сўнг тўпга бошқа бирор ўйинчининг тегиши шарт бўлади.

Уйинчи жарима ёки эркин тўпини ўз жарима майдонида бажараётган пайти қарши команда ўйинчилари жарима майдони ташқарисида бўлишлари ва тўп ўйинга киритилмагунга қадар унга тўққиз метрдан кам бўлмаган масофада туришлари ва тўп жарима майдонидан чиқмагунча

унга тегишга рухсат этилмайди. Тўп ўйинга киритилиши учун у ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтиши ва жарима майдони ташқарисига чиқиши керак. Дарвозабон тўпни тепиб ўйинга киритиши учун тўпни қўлига олиши мумкин эмас.

Агар оёқ билан берилган зарбадан сўнг, тўп жарима майдони ташқарисига чиқмаса, яъни тўп ўйинга киритилмаган бўлса, у бошқатдан тепилади.

Жарима ёки эркин тўпни ўз жарима майдони ташқарисига тепаётган пайтда рақиб ўйинчилари тўпга 9 метрдан яқин турмасликлари керак, фақат ўйинчилар дарвоза устунлари орасидаги дарвоза чизиғи устида «жонли девор» ҳосил қилиб турганларида тўпга 9 метрдан яқин туришлари мумкин ва тўп ўйинга киритилмагунга қадар ўз ўринларидан қимирламасдан туришлари керак. Маълумки, тўп ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтгач ўйинга киритилган ҳисобланади.

Агар қарши команда ўйинчиси жарима ёки эркин тўп тепилгунга қадар жарима майдонига кирса ёки тўпга рухсат этилган 9 метрдан яқин масофада турса, ҳакам зарбани тўхтатиб ўйинчи қоидани бажармагунча кутиши керак.

Тўп тепиладиган пайтида тўп қимирламасдан туриши керак. Тўпни тепган ўйинчи иккинчи бор тўпга бошқа ўйинчилардан олдин тегиши мумкин эмас.

Қоидада кўрсатилган бўлишига қарамасдан, жарима ва эркин тўплар тегилиши:

1. Агар жарима ёки эркин тўпни ҳимояланувчи команда ўз дарвоза майдони чегарасида тепса, тўпни дарвоза майдонининг ўша ярмига тегишли ихтиёрий нуқтасидан амалга оширади.

2. Агар ҳужум қилувчи команда эркин тўп тепиш ҳуцукини рақиб дарвозаси майдонида қўлга киритса, дарвоза чизиғига параллел бўлган дарвоза майдони чизигидан қоида бузилган ерга яқин жойдан амалга оширади.

КУРСАТМА

1. Жарима тўпидан эркин тўпни фарқлаш учун ҳакам эркин тўп тепишни белгилагач, бир қўлини юқорига кўтариши керак ва тўп бошқа ўйинчига тегмагунча ёки ўйиндан чиқиб кетмагунга қадар кўтариб туриши керак.

2. Жарима ёки эркин тўп тепилаётганда рақиб ўйинчиси онгли равишда тўпдан белгиланган узоқликда турмаса унга огоҳлантириш берилади ва у мазкур қоидани бузишни такрорласа, майдондан четлаштирилади. Ҳакам жарима ёки эркин тўп тепишга ҳар қандай ҳалақит беришни жиддий тартиббузарлик деб баҳолаши керак.

3. Агар жарима ёки эркин тўп тепилаётганда ўйинчилар сакраб ёки қўлларини ҳаракатлантириб рақибини чалғитса, унинг ҳаракати тартиббузарлик, деб баҳоланиб айбдорга

огоҳлантириш берилади.

4. Агар ўйинчи тўпни тепган бошқа ўйинчилардан олдин тўпни онгли равишда ушласа бунинг учун у жиддий қоида-бузарликда, яъни тўпни қўли билан ушлагани учун айбланиб жазоланади, аммо у бошқалардан олдин тўпга теккандек жазоланмайди. Мазкур қоида бузиш учун жарима тўпи ёки 11 метрли зарба ҳам белгиланиши мумкин, қачонки қоида бузилганлигини ҳисобга олиб.

Жарима ёки эркин тўпи тепишда ҳимоялалувчи команда ўз жарима майдонида низомнинг XIII қоидасига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

XIV ҚОИДА, 11 МЕТРЛИ ЖАРИМА ТҶПИ

11 метрли жарима тўпи 11 метрли белгидан тегилади. Жарима тўпи тегилаётган пайтда ҳимояланувчи команда дарвозабони ва тўпни тепувчи (зарбани бажарувчи) ўйинчидан бошқа барча ўйинчилар майдон ичида, аммо жарима майдони ташқарисида, (тўпдан) 11 метрли белгидан, 9 метр масофада бўлишлари шарт. Дарвозабон тўп тегиб ўйинга киритилмагунча дарвоза чизиғида устунлар орасида оёқларини қимирлатмасдан туриши керак.

Зарбани берувчи ўйинчи (тўпни тепувчи) тўпни оёғи билан олдинга йўналтириши ва унга бошқалардан илгари иккинчи марта тегмаслиги керак.

Тўп ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтгач, ўйинга киритилган ҳисобланади. 11 метрли зарбадан сўнг тўғридан-тўғри киритилган тўп ҳисобланади.

Агар 11 метрли зарба белгилангач, ўйиннинг 1-ярми ёки умуман ўйин вақти тугаган бўлса ҳам 11 метрли зарбаи бажаришга вақт қўшилади. Агар 11 метрли зарба бажарилгандан сўнг, тўп дарвозага киргунга қадар дарвозабонга тегса ва бу пайтда 1-ярим ёки умумий вақт тугаган бўлса ҳам тўп гол ҳисобланади.

КУРСАТМА

11 метрли зарба бажарилишида ўйинчилар ўйин қоидаси тақозо этадиган масофада турмагунларига қадар ҳакам униинг бажарилишига рухсат этмаслиги керак.

2. Агар ўйинчи 11 метрли тўпни тепишда:

а) дарвозага йўналтирилган тўп бегона киши томонидан ёки бирор нарсага тегиб тўхтатилса, 11 метрли зарба қайтадан тегилиши керак;

б) тўп дарвозабондан, тўсин ёки устунлардан тегиб қайтгач, бегона киши ёки нарса томонидан тўхтатилса, ҳакам ўйинни тўхтатиши керак ва ўйинни тўп тўхтатилган

жойдан талашиш тўпи ташлаш билан давом эттиради. Фақат бунда тўп дарвоза майдонида тўхтатилмаган бўлса.

3. Агар ҳакам 11 метрли зарбани бажаришга рухсат этса, бироқ:

а) зарба берилгунга қадар ҳакам дарвозабоннинг дарвоза чизиғида турмаганлигини кўрса зарба берилишига ҳалақит бермаслиги керак. Агар тўп дарвозага киритилмаса зарба такрорланади

б) зарба берилгунга қадар дарвозабон қимирлайверса, ҳакам зарба берилишига имконият бериши керак. Агар тўп дарвозага киритилмаса, 11 метрли зарба такрорланади;

с) тўп уйинга киритилгунга қадар ҳимояланувчи команда ўйинчиси жарима майдониға ёки 9 метрли радиусни чегараловчи ёй ичига кирса, зарба натижасини кутиш керак, Агар тўп дарвозага киритилмаса 11 метрли зарба такрорланадн. Қоидани бузган ўйинчига огоҳлантириш бериш керак.

4. Агар 11 метрли зарбани бажарилишида:

а) зарбани бажарувчи ўйинчи тартибсизлик (қўполлик) килса ва зарбадан сўнг тўп дарвозага киритилса, 11 метрли зарба такрорланади ва қоидани бузган ўйинчига огоҳлантириш бериш керак;

б) ҳакам 11 метрли тўп тепишга рухсат бергандан сўнг, тўп тепиб ўйинга киритилгунга қадар зарбани бажарувчи ўйинчининг командадоши жарима майдониға ёки 11 метрли белгидан 9 метрли радиусни чегараловчи ёй ичига кирса, ҳакам зарбани натижасини кутиши керак. Агар тўп дарвозага киритилса, 11 метрли зарба такрорланади.

Ўйин қоидасини бузган ўйинчига огоҳлантириш берилади.

с) агар юқорида кўрсатилган банддаги каби хол содир (килганда тўп дарвозабон, дарвоза тўсини ёки устунларига тегиб қайтиб майдонга тушса, ҳакам ўйинни тўхтатиб айбдор ўйинчига огоҳлантириш бериши ва қоида бузилган қоидага эркин тўп белгилаши керак. Эркин тўпни қарши команда ўйинчилари тепиб ўйинга киритади.

Агар 11 метрли зарбани бажаришда:

а) ҳакамнинг зарбани бажаришга рухсатидан сўнг, тўп ўйинга киритилгунга қадар дарвозабон дарвоза чизиғидан олдинга чиқса ёки оёқларини қимирлатаверса ва зарбани бажарувчи ўйинчининг командадоши жарима майдониға ёки 11 метрли белгидан 9 метрли радиусни чегараловчи ёй ичига кирса, 11 метрли зарба такрорланади.

11 метрли зарбани бажарувчи ўйинчининг қоидани бузган командадошиға эса огоҳлантириш берилади;

б) 11 метрли зарбани бажаришга ҳакам ҳуштак чалиб рухсат этгач тўп ўйинга киритилгунга қадар иккала команда ўйинчилари жарима майдониға ёки 9 метрли радиусли чегараловчи ёй ичига киришса, 11 метрли зарба такрорланади. Қоидани бузган ўйинчиларга огоҳлантириш берилиши керак.

6. Агар ўйин пайти 11 метрли зарбани тепишга ёки так-
рор тепиш учун вақт кушилган бўлса, 1-ярим ёки умуман
ўйин учул ажратилган вақти тўғри бажарилган 11 метрли
зарбадан сўнг тугатилиши керак, Яъни ҳакам тўппи ҳисоб-
лаш (ёки ҳисобламаслик ҳақида охириги қарорини
чиқаргандан сўнг.

Қачонки, тўп даввоза чизигини тўсиб ёки устунлар орасидан тўлик кесиб
ўтса тўп дарвозага киритилган дейилади.

а) тўғридаи тўғри 11 метрли зарбадан сўнг;

б) дарвоза тўсини ёки устунларига тегиб;

с) дарвозабонга теккандан сўнг ёки дарвозабон билан ўйнаганда. Уйин
ҳакамнинг бирор бир қарорга келган захотиёк тугатилади

7. 11 метрли тўппи тепишга қўшилган вақт:

а) мазкур коиданинг 2- кўрсатмасидаги «б» ва 4-кўрсат-
манинг «с» қисмларидаи ташқари барча шартлари бажарилади;

б) кўрсатманинг 2-«б» ва 4-«с» бўлимларида кўрсатилга-
нидек тўп дарвозабон, дарвоза тўсини ёки устунларидан
кайтиб тушган захотиёк тугатилиши керак.

VII ҚОИДА,

ТУПНИ ТАШЛАШ (АУТДАН ТАШЛАШ)

Тўп ён чизикли ердан ҳаводан тўлик кесиб ўтса, ён чизикни кесиб ўтган
жойдан майдоннинг ихтиёрий йўналиши бўйича қўл билан ташлаб ўйинга
киритилади. Тўпга охириги марта теккан команда ўйинчиларига тўппи ташлаб
ўйинга киритиш ҳуқуқи берилмайди, Тўппи ташлаётган ўйинчи иккала оёғи
билан ён чизик устида ёки майдон ташқарисида бўлиши шарт,

Уйинчи тўппи иккала қўли билан бошининг орқа томонидан
майдонга ташлаб ўйинга киритиши лозим.

Тўп ташлангапидан сўнг майдонга киргач, ўйинга киритилган ҳисобланади.
Тўппи ташлаган ўйинчига бошқа ўйинчилардан олдин тўпга тегиш
ҳуқуқи берилмайди.

Ён чизикдан ташлаб тўғридан-тўғри дарвозага киритилган тўп (ҳеч кимга
тегмасдан киритилган гол) ҳисобланмайди

КУРСАТМА

1 Ён чизикдан тўп ташлашни бажараётган ўйинчи, агар тўпга майдон
ичида иккинчи бор қўли билан тегса ва бу пайтгача бошқа ўйинчи унга
тегмаган ёки ўйнамаган бўлса, жарима тўпи белгиланади.

2. Майдонга тўппи ён чизикдан ташлаб ўйинга киритаёт-
ган ўйинчи юзи (олд томони) билан майдонга қараган бўли-
ши керак.

3. Ён чизикдан тўп ташлаётган ўйинчига қарши команда
ўйинчиси сакраб ёки қўлларини ҳаракатлантириб
тўппи ташлашга тўсқинлик қилса, унинг хулқи ёмон
ҳисобланиб, унга огоҳлантириш берилади.

4. Агар ўйинчи рақибини онгли равишда тўп ён чизикдан

майдон ташқарисига чикқанда урса, у огоҳлантирилади ёки майдондан чиқариб юборилади.

Агар тўп ташланганда у ён чизикни кесиб ўтмай, ерга урилса ёки майдонга тўп кирмай ён чизик ташқарисига қолган тўп аввал ташланган жойдан такроран тўп ташлаган команда ўйинчилари томонидан амалга оширилади.

XVI ҚОИДА.

ДАРВОЗА ЧИЗИҒИДАН ЧИҚИБ ҚЕТГАН ТЎПНИ ЎЙИНГА КИРИТИШ ЗАРБАСИ

(Дарвоза олдидан бажариладиган зарба)

Агар тўп дарвоза тўсини ёки устунлари ташқарисидан дарвоза чизигини (кесиб) тўлиқ кесиб ўтишида охириги марта ҳужум қилаётган команда ўйинчиларига теккан бўлса, дарвоза олдидан бериладиган зарба белгиланади. Тўп дарвозанинг қайси томонига яким масофадан дарвоза чизигини кесиб ўтган бўлса, тўп дарвоза майдонининг ўша томонига қўйилиб ҳимояланувчи команданинг ўйинчилари томонидан оёқ билан бериладиган зарба орқали ўйинга киритилади, яъни майдонга жарима майдонидан ташқарига чиқарилади.

Зарбани берувчи ўйинчи тўпни ўйинга киритиш учун дарвозабоннинг қўлига бериш ҳуқуқига эга эмас. Агар тўп оёқ билан тепилгач, жарима майдони ташқарисига чиқарилмаса (ўйинга киритилмаса) тўп такроран тегилади.

Зарбани бажарган ўйинчининг иккинчи марта бошқа ўйинчилардан олдин тўпга тегишига ҳаққи йўқ.

Дарвоза олдидан тегиладиган зарбадан тўғридан-тўғри киритилган тўп ҳисобга олинмайди.

Дарвоза олдидан тегиладиган зарба пайти қарши команда ўйинчилари жарима майдони ташқарисига туришлари ва фақат тўп зарба берилиб жарима майдони чегарасидан ташқарисига чикгач, киришларига рухсат этилади.

КЎРСАТМА

1. Агар дарвоза олдида бажариладиган зарбани бажарувчи ўйинчи тўп жарима майдонидан чикқунга қадар бошқа ўйинчилардан олдин иккинчи марта тегса, қоида талабларида кўрсатилганидек, тўп ўйинга киритилмаганлиги сабабли такрорланади.

2. Агар дарвоза олдидан бажариладиган зарбани ижро-чиси онгли равишда тўп жарима майдонидан чикқач, ҳали бошқа ўйинчи тўпга тегишидан олдин қўли билан ўйнаса, жиддий қоида бузиш ҳисобланиб қарши команда жарима тўпи тегиш ҳуқуқини қўлга киритади.

3. Агар дарвоза олди зарбасини бажарувчи ҳимоячи тўпни жарима майдони ташқарисига тепиб чиқарса-ю, кучли шамол уни жарима майдонига қайтариб олиб кирса ва бошқа ўйинчи тўпга

тегмасидан ҳимоячи кўли билан ўйнаса, ҳакам 11 метрли зарба белгилаши керак.

4. Агар дарвоза олди зарбасини дарвозабон бажарса ва тўп жарима майдонидан чиққач, кучли шамол уни жарима майдонига қайтариб олиб кирса (тўпга хали бошқалар тег-маганлиги учун) ва тўпни дарвозабон кўлига олса, бироқ тўй дарвозага барибир киритилса, ҳакам эркин тўп белгиланиши керак.

5. Агар дарвоза олди зарбасини бажаришда тўп ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтса-ю, аммо тўп жарима майдонидан чиқмасдан қарши команда ўйинчиси жарима майдонига кирганда ҳимоячи унга нисбатан қўполлик қилиб қондани бузса, тўп ўйинга киритилмаганлиги учун 11 метрли жарима тўпи белгиланмайди.

Айбдор ўйинчи огоҳлантириш олади ёки майдондан четлаштирилади ва дарвоза олди зарбаси такроран тегилади, Агар бунда тўп жарима майдони ташқарисига чиққунга қадар ўйин тўхтатилса, зарба қайтарилади, яъни қарши команда ўйинчиси тўп ўйинга киритилмасдан жарима майдонига кирган ҳисобланади.

XVII ҚОИДА. БУРЧАКДАН БЕРИЛАДИГАН ЗАРБА (БУРЧАК ТУПИ)

Агар тўп дарвоза тўсини ёки уступлари ташқарисидан дарвоза **ЧИЗИГИНИ** тўлиқ кесиб ўтишидан олдин охириги марта ҳимояланувчи команда ўйинчиларига тегиб чиққанда, бурчак тўпи белгиланади ва бурчак (сектори) ёйидан хужум қилувчи команда ўйинчилари томонида тўп ракиб дарвозасининг қайси томонидаи чикиб кетган бўлса, ўша томонидан тўпни ўйинга киритади. Тўп тўлиқ ёйнинг ичига ўрнатилиши лозим. Зарбани бажарган ўйинчи уни бажараётганда бурчак байроғини эгиши, олиб қўйиши ёки ўрпини алмаштиришига рухсат этилмайди.

Бурчак тўпидан тўғридан-тўғри киритилган (дарвозага) тўп ҳисобга олинади.

Бурчак тўпини бажаришда ракиб ўйинчиларини тўпга 9 метрдан яқин масофада туришларига рухсат этилмайди ва бу қоида тўп ўз айланаси узунлигича масофани босиб ўтгунга қадар таъсир этади. Зарбани бажарган ўйинчининг эса бошқа ўйинчилардан олдин тўпга иккинчи марта тегишига рухсат этилмайди.

ИЛОВА

11 метрли зарбалар серияси ёрдамида голибни аниқлашдаги ФИФА кўлланмаси.

1. Ҳаким барча 11 метрли белгидан бажарилаётган зарбалар дарвозасини танлайди.

2. Ҳакам капитанлар ўртасида қуръа ташлаб биринчи зарбани бажариш ҳуқуқини олган командани аниқлайди.

3. а) командалар «с» ва «д» шартларга амал қилган ҳолда бештадан зарба бажаришади:

б) зарбалар навбатма-навбат амалга оширилади;

с) агар командалар бешта зарбадан бажарганларига қадар битта команда бошқаси барча тўпларни бажарганда ҳисобни оширган ҳолда ҳам биринчи команда киритган тўплар сонига етмаслиги аниқ бўлса, қолган зарбалар бажарилмайди;

д) агар иккала команда бештадан зарбадан сўнг бир хил натижага эришса (голлари сони тенг бўлса) ёки умуман дарвозага тўп кирита олишмаса, зарбаларни бажариш давом эттирилиб, тенг зарбалардан сўнг (бештадан зарба бажаришлари шарт эмас), битта тўп киритгунга қадар давом эттирилади.

4. 3-пункт 1нш(г «а», «с», «д» бўлимларида кўрсатилган командаларга зид бўлмаган ҳолда қайси команда тўп киритган бўлса, у мусобаканинг ғолиби деб тан олинади.

5. а) зарбаларни мусобақа низомида кўрсатилганидек асосий кўшимча вақт мобайнида майдонга тушган ихтиёрини ўйинчи бажариши мумкин.

Шунингдек, ўйин тугаганлигига сигнал берилганда ҳакамнинг рухсати ёки берухсат майдонни вақтинча тарк этган ўйинчилар ҳам бу ҳуқуққа эга;

б) агар дарвозабон зарбалар тепилганда жароҳатланса ва ўз вазифасини давом эттиришга лаёқатсиз бўлса, у мусобақа протоколида кўрсатилган дарвозабон билан алмаштирилади. Бирок, бу команда мусобақа низомида белгиланган ўйинчи алмаштириш ўйин мобайнида фойдаланиб бўлмаган ўйинчигина алмамаштиришга рухсат этилади.

6. Зарбани ҳали тўпни тепмаган ўйинчи тепади. Фақат дарвозабонни ёки 5-пункт талабига асосан уни алмаштирган дарвозабон ва барча ўйинчилар бир мартадан зарба беришгач, яна иккинчи бор тепиш ҳуқуқига эга бўлишади.

7. 5-пункт қондасига асосан зарбалар берилаётган исталган пайтда истаган ўйинчи дарвозабон билан ўрин алмаштирилиши мумкин

8. а) зарбалар бажараётган ўйинчи ва икки дарвозабондан ташқари барча ўйинчилар зарба берилаётган пайтда майдоннинг марказий айланаси чегарасида бўлишлари шарт;

б) зарба бераётган ўйинчининг командадоши бўлмаган дарвозабон зарба берилаётган жарима майдонидан ташқарида дарвоза чизигига параллел ҳолда 11 метрли белгидан 1) метр- узоқликда туришига рухсат этилади.

9. Ушбу кўрсатманинг 1-, 8- пунктларига амал қилган ҳолда ғолиб аниқланганда ўйиннинг барча қондалари ва кўрсатмалари амалда бўлиши керак.

ИЗОҲ: Агар электр ёритгичлар 11 метрли зарбалар тепилгунга қадар ишдан чикса, ғолиб куръа ташланиб аниқланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар:

1. Майдон улчамлари?
2. Уйинчиларнинг вазифалари?
3. хакамларнинг вазифалари нималардан иборат?

АДАБИЁТЛАР

1. Футбол фанидан дарслик Р.Акрамов.2007 йил
2. “Футбол ”П.Н.Казаков.М.1981 й
3. “ Футбол ўйин қоидалари” А.Чанади. М. 1983.
4. “Футбол” И.Симонов. М.ФИС.1986
5. “Мусобақа қоидалари” Г.Латишев М.1976
6. Г.Гриндлер.Х.Полоте.Х.Хеммо “Футболчиларнинг техник ва тактик тайёргарлиги” Т. 1990